БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 10 (3748)

16 ЯНВАРЬ

СЕШАНБА

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МОЛДАВИЯДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

КИШИНЕВ. Молдавияда Совет ҳокимияти ўрнатилган куннинг 50 йиллигига бағишланиб 14 январда Кишиневда республика партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлди.

Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл ўзининг кириш нутқида бундай деди: Бутун Бессарабияда Советлар ҳокимияти ўрнатилган кун — 1918 йилнинг 14 январь куни молдаван халқининг тарихий тақдирида янги даврни бошлаб берди. Улуғ Октябрь, деди у, республика меҳнаткашларини кўп асрлардан буён давом этиб келган зулм, қашшоқлик ва ҳуқуқсизликдан халос қилди, экономика ва маданиятни равнақ топтирди.

Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси А. Ф. Диордица «Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрь йўлидан 50 йил» деган темада доклад қилди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан бир овоздан табрикнома қабул қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ Х ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

15 январда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Х пленуми очилди.

Область партия комитетларининг секретарлари, область партия комитетлари саноат ва қурилиш бўлимларининг мудирлари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, шаҳар ижроия комитетларининг раислари, қурилиш трестлари, лойиҳалаш институтлари ва баъзи корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, область халқ контроли комитетларининг раислари, ишлаб чиқариш илғорлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари пленумга таклиф этилди.

Пленум ишида СССР қишлоқ қурилиши министри С. Д. Хитров, КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари А. Д. Дмитриев, КПСС Марказий Комитетининг инструктори В. Г. Яковлев, СССР Госстройи раисининг ўринбосари Г. Н. Фомин, СССР қурилиш министрининг ўринбосари А. П. Парфенков, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари И. А. Мекрюков қатнашмоқдалар.

Пленумнинг кун тартиби:

1. Капитал қурилиш ишларини тубдан яхшилаш чоралари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида.

2. Республикадаги саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимларининг 1968 йил планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари тўғрисида.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новицкий, Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг Фарғонадаги 8- қурилиш трести бошқарувчиси А. С. Алтухов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи А. А. Саркисов, «Главмосстрой» Тошкентдаги қурилиш бошқармасининг бошлиғи М. П. Коханенко, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. Иброҳимов, Тошкент область партия комитетининг секретари К. Н. Бекаев, «Андижаноблколхозстрой» трестининг бошқарувчиси И. А. Ашуров, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Қ. Қўқонбоев, «Росташстрой» трестининг бошқарувчиси В. Н. Маркин, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси И. Ж. Жалилов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри Ф. Х. Хўжаев, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. Кузьмин, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Х. М. Носиров, Хоразм область ижроия комитетининг раиси М. Х. Худойберганов, «Главташкентстрой» бошлиғи В. С. Скребнев, Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари А. Ф. Гавриловлар қатнашдилар.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИ

Тошкентдаги учрашув ва Тошкент Декларацияси имзоланган куннинг 2 йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Хиндистон Бош министри Индира Гандига ва Покистон Президенти фельдмаршал Аюбхонга мактуб юборди.

Бу мактубларда Тошкент Декларацияси ижобий роль ўйнаганлиги таъкидланади ва Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсеварлик ташқи сиёсати принципларига амал қилиб, Тошкент Декларациясини амалга оширишда бундан буён ҳам олга қадам қўйилишини табриклайди, деб кўрсатиб ўтилади.

Хиндистон бош министри Индира Ганди СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга мактуб юборди. Бу мактубда Хиндистон Тошкент Декларациясини бажариш учун бутун куч-ғайратини сарфлашни давом эттиришга қатъий қарор берганлиги таъкидланади.

(ТАСС).

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Х пленумида Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўнинчи пленуми ажойиб бир вақтда тўпланди. Совет халқи ва бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали байрам қилган унутилмас кунлардан бери икки ой вақт ўтди холос. Ўша кунларда жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг қаҳрамонона ярим асрлик тарихи яна бир марта кўз олдимизда намоён бўлди, мамлакатимиз ҳозирги турмушининг ёрқин манзараси ўзини гавдалантирди.

Советлар Ватанининг шонли эллик йиллик йўлининг якунларини ва унинг истиқболларини КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Москвадаги юбилей тантанали мажлисида доклад қилиб умумлаштирган ҳолда ҳар томонлама очиб берди. Бу якунлар ва истиқболлар ҳар бир совет кишисига ўзининг қудратли Ватани билан халқимизни Ленин йўлидан коммунизм сари олиб бораётган жонажон партия билан ғоят фахрланиш ҳисларини қўзғотди.

Совет давлати техника-иқтисодий жиҳатдан ҳар қачонгидан кўра ҳам бақувват бўлиб, социалистик даврнинг иккинчи эллик йиллиги ва беш йилликнинг учинчи йилига қадам қўйди. Совет халқи ўз кучига чуқур ишонган ҳолда келажакка дадил қараб мўлжалланган мақсад сари шаҳдам қадамлар билан олга бормоқда.

Совет Ўзбекистони ўзининг бунёдкорлик кучлари барқ уриб турган ҳолда Октябрь 50 йиллигини кутиб олди. Республика экономикаси ва маданияти мисли кўрилмаган юксалишга кўтарилди, унинг асосий ишлаб чиқариш фондлари беқиёс кўпайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари юбилей йилини меҳнатда шонли ғалабалар билан нишонладилар. Улар беш йилликнинг икки йили учун берилган асосий топшириқларни халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича муваффақиятли бажариб, пландан ташқари кўп миқдорда маҳсулот бердилар.

Ўтган икки йил ичида республиканинг ялпи ижтимоий маҳсулоти 16,6 процент, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 18 процент ошди. Шу вақт ичида пахта етиштириш қариб 4 процент, шоли 29 процент, картошка 17 процент, сабзавот 47 процент, ковун-тарвуз 48 процент, луб экинлари ҳосили 31 процент, гўшт 9 процент, сут 19 процент, тухум 16 процент, жун 5 процент, пилла 7 процент, қоракўл 18 процент кўпайтирилди.

Республикамиз экономикаси тез юксалиб бораётганлиги шонли ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари қаҳрамонона меҳнатининг самарасидир. Бу — партия, унинг ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ҳар бир республикадаги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиб келаётганлигининг натижасидир. Бу — партия, совет ва хўжалик ташкилотлари жойларда олиб бораётган катта ва самарали ишларнинг натижасидир. Бу — шаҳар ва қишлоқларимизда кенг авж олиб кетган капитал қурилиш натижасидир.

Капитал қурилиш — ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг негизидир. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтириш, халқ моддий фаровонлигини ва маданий савиясини ўстириш, энг муҳим социал проблемаларни ҳал қилиш капитал қурилишнинг ривожлантирилиши билан чамбарчас боғланган.

Капитал қурилиш янги замонавий саноат корхоналари, сунъий денгизлар ва дарёлар демакдир, янги, қувватли электр линиялари ва суғорилаётган ерлар демакдир, обод шаҳарлар ва янги қишлоқлар демакдир. Капитал қурилиш ернинг қиёфасинигина ўзгартириб қолмайди, шу билан бирга у, совет кишиларининг турмушини ва маънавий дунёсини ҳам тубдан ўзгартиради, фан ва маданиятнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам беради. Барча бунёдкорлик вазифаларимизнинг муваффақиятли ҳал қилиниши капитал қурилишнинг кўламига ва суръатларига боғлиқ.

Бизнинг олдимизда турган вазифалар ҳақиқатан жуда катта. КПСС XXIII съезди Совет Иттифоқининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг улуғвор программасини белгилаб берди. Съезд янги беш йиллик план жамиятимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан анча олга бориш, энг муҳим социал проблемаларни ҳал қилиш капитал қурилишнинг ривожлантирилиши билан чамбарчас боғланган.

Капитал қурилиш янги замонавий саноат корхоналари, сунъий денгизлар ва дарёлар демакдир, янги, қувватли электр линиялари ва суғорилаётган ерлар демакдир, обод шаҳарлар ва янги қишлоқлар демакдир. Капитал қурилиш ернинг қиёфасинигина ўзгартириб қолмайди, шу билан бирга у, совет кишиларининг турмушини ва маънавий дунёсини ҳам тубдан ўзгартиради, фан ва маданиятнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам беради. Барча бунёдкорлик вазифаларимизнинг муваффақиятли ҳал қилиниши капитал қурилишнинг кўламига ва суръатларига боғлиқ.

Бизнинг олдимизда турган вазифалар ҳақиқатан жуда катта. КПСС XXIII съезди Совет Иттифоқининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг улуғвор программасини белгилаб берди. Съезд янги беш йиллик план жамиятимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан анча олга бориш, моддий техника базасини янада ривожлантириш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини мустаҳкамлаш, барча совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқроқ қондириш лозимлигини ўқтириб ўтди.

Ўзбекистонда янги саноат ва озиқ-овқат саноати қувватларини кучайтириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Шу беш йилликнинг ўзида олтита янги пахта тозалаш заводлари, 18 та пахта қуритиш-тозалаш цехлари ишга тушди, Андижон трикотаж фабрикаси, Тошкент мой-жир комбинати, Самарқанд кўн заводи ва бошқа корхоналар маҳсулот бера бошлади.

Наманганда шойи ва костюмбоп газламалар комбинати қурилаётганлиги катта ғалаба бўлди. Бу комбинатда ҳозирги вақтда 120 мингта урчуқ ишга туширилди, яқин вақт ичида эса яна 40 минг урчуқ ишга туширилади. Шундай қилиб яқинда енгил индустриянинг мана шу зўр гигантининг биринчи навбати қуриб битказилади. Вазифа шуки, унинг қувватларини тезроқ ўзлаштириш керак.

Транспорт ва алоқани ривожлантириш борасида кўп иш қилинди. Янги темир йўл ва автомобиль магистралларини қуриш ва борларини реконструкция қилиш ишлари кенг авж олдирилди, кўпгина Атғослар ишга туширилди, марказий телевидение программаларини қабул қилиб олиб кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бинокорларнинг кўпгина коллективлари давлат планларини ва ишлаш ва маблағларни қуриб битказилиши лозим бўлган объектларга тўпланиш зарур.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотларининг ишларини яхшилаш лозим бўлиб қолди. Улар гарчи ўтган йил давлат планини бажарган бўлса ҳам, аммо қуриб битказилиши лозим бўлган бир қанча объектларда монтаж ишлари чала қолиб кетди. Бу министрлик ўзини планни яхши бажараётган қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, баъзан суб пудрат ишлари планини мумкин қадар камайтириб олишга интилади. Бунақа усулда ишлашни қатъиян қоралаш керак, чунки бу нарса меҳнатдаги ғайратни сусайтириб ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширишни ўнгай жавобгарлик ҳиссини пасайтириб юборади.

Қурилиш ва монтаж ташкилотининг раҳбарлари давлат планларида кўзда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини белгиланган муддатларда бажаришни таъминлашлари мутлақо шарт. Бунинг учун қурилишларда бинокорларнинг меҳнати ва турмушига нормал шарт-шароит вужудга келтирилиши, ҳар бир инженер, ҳар бир техник ва бригада бошлиғининг ўзига топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш лозим.

Қурилиш майдонида қийинчиликлар вужудга келаётганлигига, иш графиги бузилаётганлигига, у ёки бу ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилмаётганлигига сабабчи бўлганлардан партия ташкилотлари ҳам қаттиқроқ жавобгарлик талаб қиладиган вақт келди. Партия ташкилотлари министрликларнинг аппаратларидаги, қурилиш трестлари ва бошқармаларидаги эпашганликка, исни уюштира олмасликка, масъулиятсизликка қарши кескин кураш олиб боришлари лозим.

Ҳар бир айрим ходимнинг ва бутун коллективнинг ўз бурчини юксак даражада ҳис қилиши ва қурилиш-монтаж ишлари қай аҳволда бораётганлиги учун шахсан жавобгар бўлиши керак. Шу йўл билангина капитал қурилиши ишининг боришида тўсиқ бўлган бурилиш ясаш мумкин, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, республиканинг саноати потенциалини ошириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Шу беш йилликда олдимизда турган халқ хўжалик вазифаларини бажариш жуда катта маблағлар сарфлашни талаб қилади.

Масалан энергетикани ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағ икки баравар кўпайтирилади. Тошкент, Навоий ва Ташкатош ГРЭСларининг қуввати лойиҳада белгиланган даражага етказилади. Чорвоқ гидроэлектр станциясининг агрегатлари ишга туширилади. Мамлакатдаги ёқилғи куч билан ишлайдиган энг катта электр станциялардан бири бўлган Сирдарё ГРЭСини қуриш кенг кўламда олиб борилади. Химия саноатини ривожлантиришга сарфланаётган капитал маблағлар 2,3 баравар кўпайтирилади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган қувватлар кенгайтирилади, синтетик толани ишлаб чиқариш бошланади. Олмаликда концентрат ўғитлар ишлаб чиқарадиган завод қурилади. Навоида энг катта электр химия комбинатини қуриш авж олдирилади. Янги машинасозлик заводлари ишга туширилади, пахтачиликка мосланган тракторларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

(Давоми иккинчи бетда).

I. ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ ГИГАНТЛАРИ БУНЁД ҚИЛАМИЗ

Партиямиз Программасида айтилганидек, капитал қурилиш соҳасидаги асосий вазифа капитал маблағлардан энг самарали фойдаланишдан, янги қувватларни, уйқой биноларини ва бошқа объектларни қисқа муддатларда ва камроқ ҳаражат билан ишга туширишдан, қурилиш ишларининг сифатини яхшилашдан иборат.

Программанинг бу қоидасини республиканинг партия, совет ва хўжалик органлари капитал қурилишга раҳбарлик қилишда ўз ишлари учун асос қилиб олмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон жуда катта қурилиш майдонига айланди.

Навоий, Фарғона ва Чирчиқдаги химия индустрияси гигантларида минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи қувватлар беш йилликнинг иккинчи йили мобайнида беш йилликнинг бошланғич пайтидагига қараганда қарийб учдан бир ҳисса кўпайди. Республикадаги электр станцияларнинг қуввати 800 минг киловатт миқдорида ошди. Тошкент, Ташкатош, Навоий ГРЭСларида ва Фарғона ТЭЦида янги энергетика блоклари ишга туширилди.

Республикамизда газ саноати мисли кўрилмаган тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ўзбекистон гази ҳозирги вақтда индустриал Уралга, Ўрта Осиёнинг қардош республикаларига юборилмоқда. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида, мўлжалланган муддатдан бир йил олдин, «Зангори ёқилғи» Ўрта Осиё — Марказ газ қувури орқали Ватанимиз пойтахти Москвага ва мамлакатнинг бошқа районларига юборила бошланди.

Республикамиз кончилик саноати ва рангли металлургияси тез юксалиб бормоқда. Шу беш йилликда истиқболи жуда катта бўлган тармоқ — олтин қазиб чиқариш саноати вужудга келди. Зарафшонда, Чадоқда ва Кўчбулоқда таркибида олтин бўлган руда-ларни қазиб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган катта комплекслар қурилмоқда.

Машинасозлик Ўзбекистон саноатининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолди. Машинасозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш майдонлари икки йил ичида юз минг квадрат метр чамаси кенгайди.

Ўзбекистонда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати қувватларини кучайтириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Шу беш йилликнинг ўзида олтита янги пахта тозалаш заводлари, 18 та пахта қуритиш-тозалаш цехлари ишга тушди, Андижон трикотаж фабрикаси, Тошкент мой-жир комбинати, Самарқанд кўн заводи ва бошқа корхоналар маҳсулот бера бошлади.

Наманганда шойи ва костюмбоп газламалар комбинати қурилаётганлиги катта ғалаба бўлди. Бу комбинатда ҳозирги вақтда 120 мингта урчуқ ишга туширилди, яқин вақт ичида эса яна 40 минг урчуқ ишга туширилади. Шундай қилиб яқинда енгил индустриянинг мана шу зўр гигантининг биринчи навбати қуриб битказилади. Вазифа шуки, унинг қувватларини тезроқ ўзлаштириш керак.

Транспорт ва алоқани ривожлантириш борасида кўп иш қилинди. Янги темир йўл ва автомобиль магистралларини қуриш ва борларини реконструкция қилиш ишлари кенг авж олдирилди, кўпгина Атғослар ишга туширилди, марказий телевидение программаларини қабул қилиб олиб кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бинокорларнинг кўпгина коллективлари давлат планларини ва олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашиб, юксак марраларга эришдилар. «Голодностепстрой», Фарғонадаги 8- трест, Андижон область қишлоқ қурилиши бошқармаси, «Ўзэлектромонтаж» трести, Тошкентдаги 1- уйсозлик комбинати бинокорлари ва монтажчилари мусобақада олдинда бормоқдалар. Уларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроқлари топширилди. 15 та қурилиш-монтаж ташкилотлари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари советининг Эсдалик байроқларини олишга сазовор бўлдилар.

Бироқ, саноат қурилишини ривожлантириш ҳозирги куннинг вазифаларидан ҳали-ҳозир кейинда қолмоқда. Кўпгина объектларда планлар бажарилмаётир, қурилиш ишлари белгиланган муддатларда бажарилмаётир.

Бир қанча тармоқларда капитал маблағларнинг анчагина қисми йил сайин ишлатилмай қолмоқда. Маълумки, қурилишнинг пировард мақсади асосий ишлаб чиқариш фондларини, у ёки бу хил конкрет ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдир. Лекин саноатнинг бир қанча тармоқларида шу жиҳатдан жиддий қолоқлик борлигини кўрамиз. Чунончи, машинасозлик заводларида 27 миллион сўмлик маҳсулот берадиган қувватлар ишга туширилмай қолди, бир минг километрга яқин электр линиялари фойдаланишга топширилмади.

Гўшт ва сут саноати министрлиги капитал қурилиш билан қониқарсиз шуғулланмоқда. Шу тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг плани икки йилдан бери бажарилмаётир. Пахта тозалаш саноатининг ва маҳаллий саноатнинг, Балиқчилик хўжалиги бошқармасининг кўпгина объектларини қуриш ишлари ҳам суст бормоқда.

Хўш, бу аҳволнинг асосий сабаблари нима?

Бунинг асосий сабаби аввало шуки, капитал қурилишни планлаштиришда камчиликлар бор. Тех никавий ҳужжатлар, ускуналар ва пул билан тўла равишда таъминланмаган объектларни планга киритиш каби зарарли одат шу вақтгача тугатилгани йўқ. Айрим иншоотларни қуриш мақсадга мувофиқ эканлиги техникавий-иқтисодий жиҳатдан асослаб берилмаяпти. Мана шуларнинг ҳаммаси муҳим объектларни ишга туширишни кўп йилларга чўзиб юбормоқда, чала қолган қурилишларнинг кўпайиб кетишига ва катта-катта капитал маблағларнинг бекор ётиб қолишига олиб келмоқда.

Баъзи раҳбарлар куч ва маблағларни қурилаётган объектларга тўплаш ўрнига ҳатто бошқа қурилишлардаги ишларни тўхтатиб қўйиб бўлса ҳам янги объектларни титул рўйхатга ҳар қандай йўл билан «киритиб олишга» интиладилар.

Масалан, Геология министрлиги бошланган объектлардан 40 тасини 1967 йил планига киритмади, айни вақтда 88 та янги объектни қуришга киришди. Қурилиш министрлиги бошланган 30 объектни планга киритмай туриб, 220 та объектни янгидан қура бошлади. Энергетика ва электроталқитириш министрлиги бошланган 15 объектни планга киритмагани ҳолда 294 объектни янгидан қура бошлади.

Республика Госплани капитал қурилишни планлаштиришни тартибга солиши лозим. Капитал маблағлар биринчи навбатда ўтган йилдан қолаётган объектларга берилиши, ишга туширилиши керак бўлган қурилишларга сарфланиши лозим. Биз капитал маблағлардан фойдаланишнинг самарали бўлишини амалий контроль қилиб туришимиз, тегишли ҳужжатлар билан таъминланмаган объектларни планга киритиш одатига йўл қўймаслигимиз керак. Бу ишда партия комитетлари ва халқ контроли органлари принципиал йўл тутишлари зарур.

Заказчилар, пудратчилар ва суб пудратчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабат кўпинча тўғри йўлга қўйилмаганлиги капитал қурилишнинг янада кучайтирилишига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Ер участкалари ўз вақтида тайёр қилиб қўйилмаганлиги, пул бериш ва бажарган ишлар учун ҳақ тўлаш орқага сурилиб кетаётганлиги сабабли баъзан бинокорлар кўп қийналмоқдалар.

Ўтган йил рангли металлургия объектларини қуришда кўнгилсиз аҳволлар рўй берди. Шу тармоқда капитал маблағларнинг фақат 90 процентигина ўзлаштирилди.

«Алмаликсвинецстрой» трести лойиҳа—смета ҳужжатларини, ускуналарни ўз вақтида ола олмай, ишчи кадрлар етишмай қийинчилик тортгани маълум, албатта. Лекин пайдо бўлаётган қийинчиликларга қараб зарур чоралар кўриш ва қурилишдаги ишларни яхшилаш учун билимдон, тажрибали раҳбарлар трестга ва бошқармаларга бошлиқ қилиб қўйилганку, ахир.

Хўш, Олмаликда биз нималарга дуч келмоқдамиз? Бу ердаги конметаллургия комбинатида мисни тўхтовсиз қуйиб ва прокат қилиб берадиган нодир цех қурилмоқда. Бу цех ўтган йил ишга туширилиши керак эди. Бироқ ҳатто декабрда ҳам бинокорлар иш чертёжларининг ҳаммасини тўла-тўкис олганлари йўқ.

Ўтмишнинг сабоқлари эндиликда синчиклаб ўрганилиши лозим. Комбинатнинг ва Олмалиқ шаҳар партия комитетининг раҳбарлари қурилиш ишларини чуқур билиб олишлари, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишчоралариии кўришлари керак.

Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарувчи саноат бунёд қилиш катта синаётган масаласидир. Бироқ, бу саноатнинг бир қанча объектларини қуриш қониқарли бормаётир. Қурилиш министрлиги ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бу объектларга диққат ва эътиборни кучайтиришлари лозим.

Бизнинг барча хўжалик органларимиз ва уларнинг раҳбарлари шуни билиб олишлари керакки, капитал қурилиш фақат қурувчиларнинг ўзигина бажараётган иш бўлиб қолмасдан, шу билан бирга умумхалқ ишидир. Ўёки бу қурилишдаги аҳвол учун заказчи ҳам, бош пудратчи ҳам, суб пудратчи ҳам жавобгардир. Барча ташкилотлар қайси идорага қарашли бўлишларидан қатъи назар уларнинг пухта, бир-бирлари билан боғланиб ишлашлари қурилиш ишларининг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Капитал қурилишнинг ўсишига тўсқинлик қилаётган яна бир сабаб бор. Бу сабаб қурилиш ва монтаж ташкилотларининг ўз ишидан келиб чиқмоқда.

Кўпинча трестларнинг бошқарувчилари, одам етишмаяпти, деб шикоят қилишади. Ҳақиқатан ҳам кўпгина қурилишларда ишчилар кўплаб етишмаётганлиги очиқ кўриниб турибди.

Лекин бу қийинчиликни қандай қилиб енгиш керак? Бунинг йўли фақат битта, у ҳам бўлса —меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, одамлар ва механизмларни жойжойига тўғри қўйиб фойдаланиш, кадрларни сақлаб қолиш ишини планли равишда олиб бориш керак. Аммо айрим қурилиш ташкилотларида бу ишга лозим бўлган даражада эътибор берилаётгани йўқ.

Икки трестнинг — Самарқанддаги 150-трест билан Чирчиқдаги 160-трестнинг ишини солиштириб кўрайлик. Бу иккала трестнинг шарт-шароити бир хил: улар ишининг ҳажми ҳам, улардаги механизмларнинг сони ҳам, кадрлар билан таъминланиши ҳам тахминан бир хил. Иш ҳақи фонди эса Самарқанд трестида Чирчиқ трестидагига қараганда ҳатто кўпроқ.

Бироқ, Самарқанд бинокорлари бажараётган ишларининг натижалари чирчиқликларникига қараганда анча ёмон. 160-трест рентабелликка эришган, планни бажармоқда, қурилиш ҳажмини кўпайтиришга муваффақ бўлди. 150-трест эса планни атиги 80 процент бажарди, қурилишнинг қимматини ошириб юборишга ва иш суръатларининг пасайиб кетишига йўл қўйди. Мана шуларнинг ҳаммаси иқтисодий ишда, меҳнатни ва ишлаб чиқариш процессларини уюштиришда 150-трестда жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди.

Афсуски, бошқа қурилиш ташкилотларида ҳам шундай манзарани кўриш мумкин. Қурилиш министрлиги трестларининг ярмидан кўпи ўтган йил қурилиш-монтаж ишлари планини бажармади. Қорақалпоғистондаги 166-трест, Сурхондарёдаги 165-трест ва Бухородаги 163-трест эса ташкил қилинганидан бери қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми бўйича ҳам, ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ишга туширишбўйича ҳам планни бир марта ҳам бажармаган йўқ.

Қурилиш министрлиги ҳар бир қурилишда аниқ ва бир маромда ишлашни йўлга қўйишни, куч ва маблағларни қуриб битказилиши лозим бўлган объектларга тўпланиш зарур.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети республикада енгил саноатни янада ривожлантириш программасини тузиб чиқиб, буни КПСС Марказий Комитетига ва Иттифоқ ҳукуматига тақдим этдилар. Шу тармоқнинг ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш ва яна юзтадан кўпроқ янги корхона қуриш кўзда тутилади. Булар орасида тўқимачилик комбинатлари, трикотаж, тикувчилик, пойафзал фабрикалари ва бошқа кўпгина корхоналар бор. Бу саноат тармоғида маҳсулот ишлаб чиқаришни уч баравардан зиёдроқ кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари қариб эллиқта пахта тозалаш заводи қурилади.

Озиқ-овқат, гўшт, сут саноатлари, маҳаллий саноат, балиқчилик хўжалиги айниқса кўлларда балиқ урчитиш янада ривожлантирилади. Республикада янги темир йўл ва автомобиль магистраллари қуриш кўзда тутилади.

Саноат соҳасидаги вазифаларимиз жуда катта. Бу вазифалар капитал қурилиш ишига раҳбарликни янада такомиллаштириш, планлаштиришни яхшилашни, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини муваффақиятли ривожлантиришни таъминлайдиган масалаларни бирбирига чамбарчас боғлаб ҳал этишни талаб қилади.

Партия ва совет органлари область, шаҳар ва район экономикасини чуқур ўрганишлари ва билишлари, заводлар ва фабрикаларни жойлаштиришга давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қарашлари, бу корхоналарни тезроқ ишга туширишга ва ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштиришга эришишлари лозим. Қура бошланган объектларимизнинг ҳаммасини жуда қисқа муддатлар ичида ишга туширишимиз ва уларнинг жамиятимизга энг кўп самара беришига эришмоғимиз лозим.

II. ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛСИН

Сув хўжалиги қурилиши биз учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Республикамизнинг қурғоқчил иқлим шароитида ер билан сувни бир-биридан ажратиб бўлмайди. «Сув тутаган жойда ҳаёт ҳам тугайди», «Сув бўлмаса ҳаёт ҳам йўқ» деган гапларни халқимиз азалдан айтиб келган.

Суғорилиб келинаётган далаларни сув билан яхшироқ таъминлаш, шўрҳок ва захкаш ерларда мелиорация қурилиши олиб бориш ва суғориладиган ерлар фондини янада кўпайтириш — социалистик қишлоқ хўжалигимизни ривожлантиришнинг негизидир. Ирригация билан мелиорацияни ривожлантириш — деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш проблемасини ҳал қилиш калитидир.

Ирригация билан мелиорация — тупроқ ҳосилдорлигини ва деҳқончилик маданиятини оширишнинг энг муҳим шарти, қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олишнинг гаровидир. Суғориш ва мелиорация асосидагина қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг табиий-иқлим шароитларини яхшилаш уни об-ҳаво инжиқликларига қарам бўлишдан чиқариш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини ва унинг етакчи тармоғи — пахтачиликни ривожлантириш соҳасида кейинги йилларда эришган ҳамма муваффақиятларимизни, аввало, сув хўжалиги қурилиши соҳасида қилинган жуда катта ишлар туфайли қўлга киритдик, деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

Дарҳақиқат кейинги йиллар деҳқонларимиз учун нақадар қийин келганлигини бир эслаб кўрайлик. Республика колхозлари ва совхозлари қурғоқчилик, сув тақчиллиги ва турли табиий офатларга тез-тез дуч келиб турди. Лекин сув ҳар сафар жонимизга аро кирди. Сув туфайли қишлоқ хўжалик меҳнатчилари қийинчиликларни бартараф қилдилар, табиат инжиқликлари оқибатларини тугатиб, мўл ҳосил етиштира бердилар.

Республикамизда ирригация билан мелиорацияни ривожлантириш масалаларига кўп эътибор берилмоқда. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли нейинги йилларда республикада йирик сув омборлари, гидротехника иншоотлари, каналлар, коллекторлар, насос станциялари ва сув хўжалигининг бошқа иншоотлари қурилди. 1967 йилда сув хўжалиги қурилишига 1956 йилдагига нисбатан 4 баравардан зиёд капитал маблағ сарфланди.

Революциягача қадар Ўзбекистон территориясида фақат битта инженерлик суғориш системаси — Мирзачўл суғориш системаси мавжуд бўлиб, жамики суғориладиган ер майдони 1 миллион 330 минг гектар эди. Эндиликда суғориладиган ерлар икки баравар кўпайди, шу ерларда 900 тадан ортиқ суғориш системаси қурилди, 24 мингта инженерлик гидротехника иншооти, умумий ҳажми салкам 3 миллиард кубометр бўлган ўн битта сув омбори, 900 тадан ортиқ насос станцияси ишлаб турибди. Республикамизда деярли ҳамма каналларга бетон қопланмоқда, темир-бетон новлар ва босим билан ишлаб, сув чиқариб берадиган қувурлар кенг кўламда қурилмоқда.

Мелиорация қурилиши айниқса авж олдириб боширилди. Ҳозирги вақтда республикадаги коллекторзовурларнинг жами узунлиги 39 минг километрга боради.

Лекин биз эришилган даража билан қиноялиниб қола олмаймиз. Олдимизда янги катта вазифалар турибди. Республика пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йил сайин кўпайтириб бориш керак. Далалар ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш йўли билангина, экин майдонларини ва ўтлоқ-яйловларни кенгайтириш йўли билангина бу вазифани бажариш мумкин. Биноварин, илгаридан суғориб келинаётган далаларни сув билан таъминлашни жадал суръатлар билан ошириш ва янги ерларни ўзлаштириш лозим.

Бунинг учун республиканинг резервлари кўп. Марказий Фарғонада, Мирзачўлда, Қарши ва Шеробод даштларида, Амударё этакларида ва республикамизнинг бошқа районларида жуда катта қўриқ ер массивлари бор. Бу ерлар чўлқуварларнинг келишини қутиб ётибди.

Бу ерларни қишлоқ хўжалик оборотига тезроқ киритиш ва ҳозир суғорилаётган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш учун кўпроқ янги сув омборлари, каналлар, насос станциялари, коллекторлар, зовур системалари ва бошқа гидротехника иншоотлари қуриш, мавжуд сув омборлари ҳажмини кенгайтириш зарур.

Ҳозир республикамизда қўриқ ерларни ўзлаштираётган кўпгина яхши коллективлар бор. Бу коллективлар йил сайин кўпайиб, ўзларининг ишлаб чиқариш техника базасини мустаҳкамлаб ва сув хўжалиги қурилиш соҳасидаги катта ҳажмдаги ишларни бажармоқда.

«Голодностепстрой» коллективи шулар орасида етакчи ўрин олиб турибди. Мирзачўлни ўзлаштираётган ташаббускорлар қийин даштшароитида пахтачиликнинг янги йирик районини барпо этиш учун жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар, бу ишни прогрессив методлар билан олиб бормоқдалар. Шу туфайли улар янги ерларни ўзлаштириш жараёнидаёқ пахта етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Мирзачўлни ўзлаштиришга улуғ Ленин асос солган эди. Партиянинг иродаси, совет кишиларининг куч-ғайрати билан Мирзачўл қовжираб ётган ҳаётсиз даштдан серҳосил ўлкага айланди. Мирзачўлдаги совхозлар ташкил қилинган пайтдан бери давлатга 500 минг тоннага яқин «оқ олтин» ва кўпгина бошқа маҳсулотлар берди.

«Голодностепстрой» коллективи ҳақли равишда юксак ҳукумат мукофотларига — Меҳнат Қизил Байроқ ордeнига ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғига сазовор бўлди.

Лекин Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш ишида камчиликлар ҳам бор. «Голодностепстрой» янги совхозларни батамом тахт қилиб, доимий ишлатиш учун топшириш ишини пайсалга солмоқда, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишини комплекс равишда олиб бориш қоидасига ҳамиша ҳам риоя қилаётгани йўқ.

Мирзачўл қурувчиларн коллективи билан «Главсредазирсовхозстрой» ана шу камчиликларни тезроқ тугатишлари лозим. Ишни шундай планлаштириш ва ташкил қилиш керакки, бунинг натижасида янги совхозлар кўп деганда тўрт-беш йил ичида қўриқ битказилсин ва доимий ишлатиш учун топширилсин.

Мирзачўлнинг истиқболлари, айниқса, катта. Мирзачўл пахтачиликнинг асосий районларидан бири бўлиши мумкин ва лозим. Биз бу ерда пахта етиштиришни йилига ярим миллион тоннага етказишимиз керак.

Қарши даштн суғориладиган ерларни кенгайтиришнинг катта резервидир. Бу дашт яқин йиллар ичида ингичка толали пахта олинадиган энг муҳим манбаларнинг бири бўлиб қолиши зарур. Ҳозир бу ерда йирик ишлаб чиқариш базаси барпо этилмоқда, коллекторлар қуриш ва новб насос станциялари бўлган магистрал каналнинг бош қисмини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Лекин «Қаршистрой» олдида жуда масъулиятли вазифа турибди, у ҳам бўлса — Амударё сувини жуда қисқа муддат ичида камсув Қашқадарё областидаги ўн мингларча гектар ерларга чиқара бошлаши керак.

Амударё этакларидаги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта ишлар қилинмоқда. У ерда бир неча янги шоликор совхозлар барпо этилди. Ўтган йил шу хўжаликлар давлатга 27 минг тонна шоли топшириб, планни 110 процент бажарди.

Аммо, бу дастлабки муваффақиятлар бизни қаноатлантира олмайди. Тажриба шуни кўрсатдики, каналлар, зовурлар лойиҳасини тузиш ва қуришни, шунингдек, далаларни текислашни тубдан яхшилаш зарур. Шоликор совхозларда қурилган каналларни ўт ва лой босиб зовурлар тўлиб қолмоқда. Биз бу йўлдан боришимиз мумкин эмас.

«Средазирсовхозстрой» лойиҳалаш, илмий тадқиқот институтлари ва қурувчилар билан биргаликда мамлакатдаги илғор шоликор хўжаликларнинг тажрибасидан фойдаланиб, канал ва зовурларнинг муттасил ишлашини таъминлайдиган чораларн кўриш керак.

Биз «Узглавводстрой», Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қурувчиларининг яхши ишлаётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтамиз. Ўтган йили улар қурилиш-монтаж ишлари планини қарийб 7 миллион сўм миқдорида ошириб бажардилар, ўн минг гектарлаб янги ерларни тахт қилиб қўйдилар, шўрхок ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва батамом қайтадан текислаш соҳасидаги топшириқларни бажардилар.

Ўтган йили Жанубий Сурхон ва Каркидон сув омборлари, Пачкамар сув омборизинг биринчи навбати тўла қувват билан ишлай бошлади, Каттақўрғон сув омборининг ҳажми 1 миллиард кубометргача кўпайтирилди, Жарқўрғон ва Шофиркон гидроузеллари қуриб битказилди, Ғарбий Ромитан коллектори ва Денгизкўл ташламаси, қурилиш индустриясининг бошқа бир қанча сув хўжалиги иншоотлари ва ксрхоналари ишга туширилди.

Лекин «Узглавводстрой»га қарашли айрим ташкилотлар қонқарсиз ишлаганлиги орқасида Мирзачўлнинг эски зонасида сув хўжалиги қурилиши плани бажарилмай қолди, Андижон сув омборини, Ачикул коллекторини, Шеробод каналининг сўл шохобчасини ва бошқа баъзи иншоотларни қурин орқада қолмоқда.

«Узглавводстрой» сув хўжалиги қурувчиларининг яхши ишлаётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтамиз. Ўтган йили улар қурилиш-монтаж ишлари планини қарийб 7 миллион сўм миқдорида ошириб бажардилар, ўн минг гектарлаб янги ерларни тахт қилиб қўйдилар, шўрхок ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва батамом қайтадан текислаш соҳасидаги топшириқларни бажардилар.

Ўтган йили Жанубий Сурхон ва Каркидон сув омборлари, Пачкамар сув омборизинг биринчи навбати тўла қувват билан ишлай бошлади, Каттақўрғон сув омборининг ҳажми 1 миллиард кубометргача кўпайтирилди, Жарқўрғон ва Шофиркон гидроузеллари қуриб битказилди, Ғарбий Ромитан коллектори ва Денгизкўл ташламаси, қурилиш индустриясининг бошқа бир қанча сув хўжалиги иншоотлари ва ксрхоналари ишга туширилди.

Лекин «Узглавводстрой»га қарашли айрим ташкилотлар қонқарсиз ишлаганлиги орқасида Мирзачўлнинг эски зонасида сув хўжалиги қурилиши плани бажарилмай қолди, Андижон сув омборини, Ачикул коллекторини, Шеробод каналининг сўл шохобчасини ва бошқа баъзи иншоотларни қурин орқада қолмоқда.

Қишлоқда қурилиш ишлари суръатини кучайтириш мақсадида республикамизда Қишлоқ қурилиши министрлиги ташкил қилинди. Ҳар бир областда шу министрликнинг йирик қурилиш трестлари ва деярли ҳар бир районда механизациялаштирилган кўчма колонналар барпо этилди. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари қурилиш ишлари суръатини йил сайин кучайтирмоқдалар.

Қишлоқда қурилиш ишлари олиб борувчи ташкилотларнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда республикада 114 та умумий қурилиш ва механизациялаштирилган махсус кўчма колонналар бор. Улар қишлоқ хўжалиги учун йилига 220-250 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариб бера олади. Уларнинг ихтиёрида кўп миқдорда қурилиш техникаси бор.

Бироқ, қишлоқлардаги ишлаб чиқариш қурилишининг аҳволи ҳали ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб беررли даражада эмас.

Партиянинг бу кўрсатмаларини бажариш соҳасида Ўзбекистонда катта ишлар қилинмоқда. 1967 йилда республикамизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иншоотлари қуриш учун 1964 йилдагидан бир ярим баравар кўп капитал маблағ ўзлаштирилди.

Чорвачилик бинолари қуриш кенг кўламда олиб борилмоқда. Ҳар йили ўн мminглаб қорамол ва юз мinглаб қўй сигадиган чорвачилик бинолари қуриб битказилмоқда. Қорасув, Ўртасарой, Навоий паррандачилик фабрикалари ишга туширилиб, энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Катта ҳажмдаги темирмонлар, дон омборлари, минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар сақланадиган омборлар, пиллага дастлабки ишлов берувчи пунктлар ва қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилувчи корхоналар қурилмоқда. Бутун йил бўйи сабзавот етиштирувчи теплица комбинатларн қуриш колхоз ва совхозларда кенг миқёсда авж олиб кетди.

Қишлоқдаги қурилиш ишлари суръатини кучайтириш мақсадида республикамизда Қишлоқ қурилиши министрлиги ташкил қилинди. Ҳар бир областда шу министрликнинг йирик қурилиш трестлари ва деярли ҳар бир районда механизациялаштирилган кўчма колонналар барпо этилди. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари қурилиш ишлари суръатини йил сайин кучайтирмоқдалар.

Қишлоқда қурилиш ишлари олиб борувчи ташкилотларнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда республикада 114 та умумий қурилиш ва механизациялаштирилган махсус кўчма колонналар бор. Улар қишлоқ хўжалиги учун йилига 220-250 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариб бера олади. Уларнинг ихтиёрида кўп миқдорда қурилиш техникаси бор.

Бироқ, қишлоқлардаги ишлаб чиқариш қурилишининг аҳволи ҳали ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб беررли даражада эмас.

Баъзи областларда болалар муассасаларини, касалхоналар ва поликлиникаларни ишга тушириш планлари бажарилмаяпти. Бунинг сабаби шуки, лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаяпти, шу муассасалар қуриладиган ерларни расмийлаштириш ва тайёрлаш пайсалга солиняпти, канализация, энергия ва сув таъминоти қурилиши масалалари сусткашлик билан ҳал қилиняпти.

Область ва шаҳар партия комитетлари уй-жой ва маданий-маиший иморатлар қурилишига тайёргарлик кўриш ва бу биноларни ўз вақтида қуриб битказиш учун маҳаллий Советларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг масъулиятини оширишлари лозим.

Бош планлардан четга чиқиш, микрорайонларни комплекс қилиб қуриш принципини бузиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Айрим маҳаллий Советлар, министрлик ва идоралар магазинлар, поликлиникалар, маиший комбинатлар, кино-театрлар қуришни кейинга чўзиб юбормоқдалар. Бунинг натижасида янги шинам уйларга кўчиб келган кишилар катта ўнғайсизликларга дуч келмоқдалар.

Бундай аҳволнинг рўй бериши-га йўл қўйиб бўлмайди. Республика Госстройи, Госплани, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари бу ишда гоят принципиал бўлишлари керак.

Шаҳар ва қишлоқлардаги уй-жой ва маданий-маиший қурилишни янада кенгайтириш халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистонда бу ишга катта эътибор берилмоқда. Беш йиллиннинг икки йили мобайнидагина 9 миллион квадрат метрдан ортиқ саҳнли уй-жой бинолари қурилди. Шу давр ичида ҳар йили қарийб 100 минг бола ўқийдиган янги мактаблар қуриб битказилди. Болалар муассасалари ва даволаш муассасаларини ишга тушириш кўпайди, спорт иншоотлари тармоғи ривож топди. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базаси анча кенгайтирилди.

Шаҳарларимизнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Ҳамма шаҳарлар бош планлар асосида қурилмоқда. Шу планларда янги уй-жой массивлари ва микрорайонлар қуриш кўзда тутилган. Шаҳарлар, ишчилар поселкалари ва деярли ҳамма район марказлари газ билан таъминланган, уларда марказий водопровод ишлаб турибди, уларнинг кўпчилигида канализация кенгайтирилмоқда ёки янгидан қурилмоқда.

Лекин айрим маҳаллий Советлар, министрлик ва идоралар уй-жой ва маданий-маиший қурилишни ривожлантиришга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар, шу мақсадлар учун ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирмаётирлар, уй-жой ва маданий-маиший биноларни ишга тушириш планларини бажармаётирлар.

Уй-жой қурилиш кооперативи орқали меҳнаткашларнинг маблағлари ҳисобига иморатлар қуриш аҳолини уй-жой билан тезроқ таъминлаш йўлларидан биридир. Лекин баъзи жойларда бу муҳим ишга етарлича эътибор берилмаётир. Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё, Сирдарё ва Сурхондарё областларида битта ҳам ана шундай кооператив тузилган эмас.

Баъзи областларда болалар муассасаларини, касалхоналар ва поликлиникаларни ишга тушириш планлари бажарилмаяпти. Бунинг сабаби шуки, лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаяпти, шу муассасалар қуриладиган ерларни расмийлаштириш ва тайёрлаш пайсалга солиняпти, канализация, энергия ва сув таъминоти қурилиши масалалари сусткашлик билан ҳал қилиняпти.

Область ва шаҳар партия комитетлари уй-жой ва маданий-маиший иморатлар қурилишига тайёргарлик кўриш ва бу биноларни ўз вақтида қуриб битказиш учун маҳаллий Советларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг масъулиятини оширишлари лозим.

Бош планлардан четга чиқиш, микрорайонларни комплекс қилиб қуриш принципини бузиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Айрим маҳаллий Советлар, министрлик ва идоралар магазинлар, поликлиникалар, маиший комбинатлар, кино-театрлар қуришни кейинга чўзиб юбормоқдалар. Бунинг натижасида янги шинам уйларга кўчиб келган кишилар катта ўнғайсизликларга дуч келмоқдалар.

Бундай аҳволнинг рўй бериши-га йўл қўйиб бўлмайди. Республика Госстройи, Госплани, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари бу ишда гоят принципиал бўлишлари керак.

Бу гап аввало агротехника лабораториялари, «Узсельхозтехника» корхоналари ва қишлоқлардаги илмий-тадқиқот муассасалари қурилишига таллуқлидир. Ғалла маҳсулотлари ва омухта ем саноати корхоналари, шунингдек теплица хўжаликлари сусткашлик билан қурилмоқда.

Қурилиш министрлиги билан Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналари қишлоқлардаги капитал қурилишни ривожлантириш суръатини пасайтириб юбормоқда. Бу корхоналар қишлоқ қурилишлари учун керакли деворбоп материалларни, темир-бетон конструкциялар ва бошқа буюмларни етказиб бериш планларини узлуксиз бажармай келмоқда. Қишлоқ қурилишларини асбоб-ускуналар, кабель маҳсулоти ва бошқа махсус материаллар билан таъминлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Бундай камчиликларга муросасозлик билан қараб бўлмайди, албатта. Уларни қатъият билан тугатмоқ керак.

Ҳозирги беш йилликда қишлоқлардаги қурилиш учун бундан олдинги беш йилдагига қараганда давлат икки баравар кўп капитал маблағ ажратиб берилди. Бу ишга колхозлар ҳам катта харажат қилмоқдалар.

Ана шу маблағларни тўлиқ ўзлаштириш ва қишлоқдаги капитал қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятларни яратиб бериш керак. Бу иш бутун республика партия ташкилотининг энг муҳим вазифасидир.

Шаҳарларда йил сайин янги-янги кўчалар пайдо бўлиб, эски кўчалар кенгайтирилмоқда ва ободонлаштирилмоқда. Лекин шаҳарлардаги кўчаларнинг ҳозирги конструкцияси мутлақо қаноатланарли эмас. Кўчаларнинг икки чеккасида тупроқли ерлар ва бордюрлар қолдирилаётганлиги сабабли кўчанинг машина юрадиган қисми ёмғир ёққанида лой тўпланадиган, қуруқчилик кунларда чанг билан қопланадиган бўлиб қолмоқда, бу эса шаҳарнинг ҳавосини ифлослаштирмоқда.

Бундай йўллар қуришни бас қилиш керак. Республика Госстройи яқин вақт ичида шу масалани қараб чиқиб, тўғри бир қарорга келиши лозим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети яқинда Тошкент марказини планлаштириш ва қуриш лойиҳасини тасдиқлади. Режалаштирилган ҳамма ишларнинг амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон пойтахтининг қиёфаси тубдан ўзгаради, у меъморчилик ансамблари билан, янги ҳиёбонлар ва парклар билан безанади.

Архитекторлар союзи, республика Госстройи, шаҳар архитектура-планлаштириш бош бошқармаси шаҳар марказининг фақат индивидуал ва яхшиланган типовой лойиҳалар асосида қурилиши учун кўп иш қилишлари лозим. Бу лойиҳаларда ўзбек халқи миллий меъморчилигининг энг яхши анъаналари, жаҳон архитектура қурилиш практикасининг муваффақиятлари акс эттирилиши керак. Бино ва иншоотларни безаш ва бадиий пардоз беришда Ўзбекистон меъморларининг бисотидаги миллий нақшлар ва кулолчилик меросидан кенг кўламда фойдаланиш керак.

Буларнинг ҳаммаси республиканинг бошқа шаҳарларига ҳам батамом таллуқлидир.

Бошқа бир муҳим масалага ҳам эътибор бериш зарур. Шаҳарларимизда шундай йирик корхоналар борки, уларнинг ишчи ва хизматчилари корхонадан йироқда яшайдилар, ишга бориш ва ишдан қайтиш учун кўп вақтни беҳуда ўтказадилар. Шу сабабли катта корхоналар яқинида шу корхонада ишловчи меҳнаткашлар учун уй-жой бинолари қуриш лозим. Янги уй-жой районлари қуришдан олдин эса, шу районларнинг шаҳар транспорти билан қай даражада таъминланиши масаласини чуқур ўрганиш керак.

Ҳозирги замон шароитида қишлоқларни қуриш проблемаси жуда катта аҳамиятга эга. КПСС Марказий Комитети март Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар колхозларнинг, совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлигини оширишга баракали таъсир ўтказди. Энди қишлоқларни қайта қуриш учун, шаҳар билан қишлоқдаги турмушнинг маданий-маиший шароитларидаги тафовутни тугатиш учун катта имкониятлар яратилди.

Республикада қишлоқ турмуши маданиятини ошириш учун эўр ҳаракат бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1964 йилги XIII Пленуми ва 1966 йилги IV Пленуми қарорлари бу ишда муҳим роль ўйнади.

Республикада кейинги икки йил мобайнида фойдаланишга топширилган ҳамма уй-жой бинларининг ярмиси қишлоқларда қурилди. Қишлоқ жойларда мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар қуриш гоят авж олиб кетди. Бу ишда колхоз ва совхозлар актив қатнашмоқда. Колхоз посёлкаларини қуриш, уларни ободонлаштириш соҳасида катта ишлар қилинмоқда. Колхоз посёлкаларининг деярли ҳаммаси бош планлар асосида қурилмоқда.

Колхоз ва совхоз посёлкаларини энг яхши қилиб қуриш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ конкурсининг биринчи босқичида Ўзбекистон иштирокининг якунлари бу соҳадаги муваффақиятларимизни кўрсатиб турибди. Биз конкурсга тақдим этган ўнта посёлкадан саккизтасе — Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломлари билан тақдирланди. Булар орасида Тошкент областидаги «Политотдел», Димитров номли колхозларнинг ва Ўртасарой паррандачилик фабрикасининг, Фарғона областидаги Карл Маркс номли колхоз ва «Бешариқ» совхозининг, Наманган областидаги Ленин номли колхознинг, Сурхондарё областидаги иккинчи совхоз ва «Коммунизм» колхозининг посёлкалари бор.

Лекин, қишлоқни қайта қуришнинг хуторлар системасини тугатишнинг ҳозирги суръатлари ҳали етарли эмас. Баъзи областларда колхоз ва совхозлардаги уй-жой бинолари ва маданий-маиший муассасалар қуриш планлари аксарият бажарилмай қолмоқда. Кўпинча посёлкалар эскичасига, водопроводсиз, газсиз ва бошқа зарур қулайликларсиз қурилмоқда.

Бу камчиликларни тезроқ тугатиш лозим. Янги қишлоқларда қишлоқ меҳнатчиларининг турмуши учун янги шароитлар ҳам муҳайё қилиб қўйилиши керак. Колхозларнинг иқтисодий имкониятлари қишлоқларни ҳудди шундай янги негизда қайта қуриш имконини беради.

Қишлоқ жойларда уй-жой, мактаблар, болалар муассасалари қуриш ва умуман колхоз посёлкаларини қуриш суръатлари кам деганда икки баравар жадаллаштирилиши керак. Бунинг учун қишлоқ қурилишига давлат қурилиш ташкилотларини, асосан Қишлоқ қурилиши министрлигини кўпроқ жалб қилиш ва умумдавлат нормаларига мувофиқ равишда колхоз посёлкаларини қайта қуришга планли равишда ресурслар ажратиб бериш зарур.

Госплан капитал қурилишни пул билан таъминлашнинг марказлаштирилмаган манбалари лимитларини тақсимлаш системасини қайтадан кўриб чиқиши керак. Бу лимитлар биринчи навбатда қишлоқ жойларга берилиши даркор. Қишлоқ қурилишини индустриалаштириш ривожлантириш, колхозлараро қурилиш ташкилотлари фаолиятини яхшилаш ва кенгайтириш айниқса муҳим вазифадир. Колхоз ва совхоз посёлкаларини ривожлантириш бош планларини икки-уч йил муддат ичида тузиб чиқиш ва қуриш вақтида бу планларнинг бузилишига йўл қўймаслик керак.

Қишлоқларни қуришни тубдан яхшилаш вақти келди. Биз узининг кўркамлиги ва ободонлиги даражаси жиҳатидан шаҳарлардан қолишмайдиган, қишлоқ меҳнатчиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондирадиган посёлкалар қуришимиз лозим. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотишнинг зарур шарти ҳам ана шундан иборат. Ҳаммамиз қишлоқларни қайта қуриш ишига енг шимариб киришишимиз ва ана шу олижаноб мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишимиз керак.

III. УЙ-ЖОЙ ВА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ҚУРИЛИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Шаҳар ва қишлоқлардаги уй-жой ва маданий-маиший қурилишни янада кенгайтириш халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистонда бу ишга катта эътибор берилмоқда. Беш йиллиннинг икки йили мобайнидагина 9 миллион квадрат метрдан ортиқ саҳнли уй-жой бинолари қурилди. Шу давр ичида ҳар йили қарийб 100 минг бола ўқийдиган янги мактаблар қуриб битказилди. Болалар муассасалари ва даволаш муассасаларини ишга тушириш кўпайди, спорт иншоотлари тармоғи ривож топди. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базаси анча кенгайтирилди.

Шаҳарларимизнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Ҳамма шаҳарлар бош планлар асосида қурилмоқда. Шу планларда янги уй-жой массивлари ва микрорайонлар қуриш кўзда тутилган. Шаҳарлар, ишчилар поселкалари ва деярли ҳамма район марказлари газ билан таъминланган, уларда марказий водопровод ишлаб турибди, уларнинг кўпчилигида канализация кенгайтирилмоқда ёки янгидан қурилмоқда.

Лекин айрим маҳаллий Советлар, министрлик ва идоралар уй-жой ва маданий-маиший қурилишни ривожлантиришга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар, шу мақсадлар учун ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирмаётирлар, уй-жой ва маданий-маиший биноларни ишга тушириш планларини бажармаётирлар.

Уй-жой қурилиш кооперативи орқали меҳнаткашларнинг маблағлари ҳисобига иморатлар қуриш аҳолини уй-жой билан тезроқ таъминлаш йўлларидан биридир. Лекин баъзи жойларда бу муҳим ишга етарлича эътибор берилмаётир. Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё, Сирдарё ва Сурхондарё областларида битта ҳам ана шундай кооператив тузилган эмас.

Баъзи областларда болалар муассасаларини, касалхоналар ва поликлиникаларни ишга тушириш планлари бажарилмаяпти. Бунинг сабаби шуки, лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаяпти, шу муассасалар қуриладиган ерларни расмийлаштириш ва тайёрлаш пайсалга солиняпти, канализация, энергия ва сув таъминоти қурилиши масалалари сусткашлик билан ҳал қилиняпти.

Область ва шаҳар партия комитетлари уй-жой ва маданий-маиший иморатлар қурилишига тайёргарлик кўриш ва бу биноларни ўз вақтида қуриб битказиш учун маҳаллий Советларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг масъулиятини оширишлари лозим.

Бош планлардан четга чиқиш, микрорайонларни комплекс қилиб қуриш принципини бузиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Айрим маҳаллий Советлар, министрлик ва идоралар магазинлар, поликлиникалар, маиший комбинатлар, кино-театрлар қуришни кейинга чўзиб юбормоқдалар. Бунинг натижасида янги шинам уйларга кўчиб келган кишилар катта ўнғайсизликларга дуч келмоқдалар.

Бундай аҳволнинг рўй бериши-га йўл қўйиб бўлмайди. Республика Госстройи, Госплани, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари бу ишда гоят принципиал бўлишлари керак.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли янги Тошкентни тиклаш ва қуриш ишн чинакам зўр кўламда олиб борилмоқда. Москва, Ленинград, барча иттифоқдош республикаларнинг вакиллари, шунингдек ҳарбий бинокорлар Ўзбекистон меҳнаткашлари билан ёнма-ён туриб чинакам шижоат кўрсатдилар. Уларнинг меҳнати билан бир ярим йил ичида икки миллион квадрат метрга яқин уй-жой бинолари қуриб битказилди, 60 мингдан ортиқ квартира қайтадан тикланди, юзлаб мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари ва бошқа бинолар қурилди ҳамда капитал ремонтдан чиқарилди.

Қардошларча беғараз ёрдам берганликлари учун биз Москва, Ленинград, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон ва Эстония бинокорларидан гоят миннатдормиз.

Шаҳарнинг асосий қурилиш ташкилоти — «Главташкентстрой» икки йил мобайнида ўсди ва мустаҳкамланди. Бу ташкилот қилаётган ишларнинг ҳажми 1965 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди.

Бироқ, шаҳардаги капитал қурилиш ҳали ҳам етарли суръатлар билан олиб борилмаётир. Ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳар ижроия комитети 27 миллион сўм маблағни ўзлаштирмай қолдирди. Шаҳар меҳнаткашлари 160 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жойни, соғлиқни сақлаш, коммунал-маиший ишларга хизмат қилувчи кўпгина объектлар ва биноларни кам олдилар.

Ўзбекистон пойтахтини тагин ҳам планли ва комплекс ривожлантириш, аҳолининг меҳнат қилиши ва турмуши учун энг қулай шароитлар яратиб бериш мақсадида СССР Министрлари Совети ўтган йили Тошкентни ривожлантириш бош планининг асосий қоидаларини тасдиқлади. Бу планни батамом бажармоқ учун кўп ишлар қилиш керак.

Беш йиллиннинг қолган уч йили ичида 4 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой бино қилиниши, шунга яраша маданий-маиший иншоотлар, 500 километрдан ортиқ газ, водопровод, канализация ва ичитиш шохобчалари қурилиши, шаҳар транспортини ривожлантириш борасида катта ишларни бажариш, метрополитеннинг биринчи навбатини қуриш ишларини кенг кўламда авж олдириб юбориш лозим.

1 миллион 300 минг аҳолиси бўлган Тошкентни

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАЙЛИК

(Бошы 1 ва 2- бетларда).

Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатиб турибдики, агар қурилиш ва монтаж ташкилотларининг ҳаммаси механизациялаш даражасини кескин равишда ошириш керак. Каркас-панел конструкцияларни жорий қилиш, уйсозлик комбинатларининг қувватларидан яхшироқ фойдаланиш, деворлари гиштдан ясалган биноларни қуришда йигма конструкцияларни кўпроқ қўлланиш йўли билан йигма материаллардан ва тўла йигма материаллардан иморатлар қуришни ҳам ҳар томонлама кўпайтириш зарур. Барча инженер ва техникларнинг, бинокорлар ва лойиҳачиларнинг куч ва ғайратини мана шу вазифаларни ҳал этишга қаратиш керак.

Лекин йигма усулни бундай конструкциялар билан кенг жорий қилиш монолит конструкцияларни қўлланишни мустасно қилмайди. Зилзила бўлиб турадиган зона ва хилма-хил архитектура формаларини вужудга келтириш зарур бўлиб қолганида бундай конструкцияларга тўсқинлик қилиб бўлмайди, албатта.

Бинокорларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун кичик механизацияни жорий қилиш, электрлаштирилган қўл асбобларини ишлатиш катта аҳамиятга эга.

Қурилиш ишларининг ҳажми тобора кўпайиб бораётганлиги қурилиш материаллари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш планини бажармади. Булар орасида Оҳангарон цемент заводи, асбоцемент ва иссиқлик ўтказмайдиган буюмлар ишлаб чиқарувчи комбинат, Келес ва Ялангочдаги гишт заводлари сингари катта корхоналар бор.

Бундай аҳволга индамай туриш мумкин эмас. Бу корхоналарнинг қувватларидан тўла фойдаланиш лозим. Область, шаҳар, район партия комитетлари, шунингдек маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг ва қурилиш индустриясининг ишга кўпроқ эътибор беришлари зарур, кадрлар билан таъминлашда, ишчиларга зарур меҳнат ва маиший шароит яратиб беришда уларга амалий ёрдам кўрсатиб туришлари мутлақо зарур.

Янги қувватларни ишга туширишни бутун чоралар билан тезлаштириш қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг катта резервларидан биридир. Бироқ бу ишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Масалан ўтган йил планда кўрсатилган 60 миллион дона шартли гишт ишлаб чиқарувчи ва 300 минг кубометрдан кўпроқ йигма темир-бетон ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилмай қолди.

Тобора кўпайиб бораётган капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш ташкилотларини материаллар ва конструкциялар билан тўла таъминлаш манфаатлари қурилиш материаллари саноатининг ва қурилиш индустриясининг мавжуд қувватларидан самарали фойдаланишни ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни талаб қилади.

Министрликлар ва идоралар қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга раҳбарлик даражасини оширишлари, ишчи кадрлар тайёрлашга, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга кўпроқ эътибор беришлари зарур.

КПСС XXIII съездининг беш йиллик планга доир директивларида бинокорларнинг меҳнат унумдорлигини 35-40 процент ошириш вазифаси қўйилди. Қурилишни индустриалаштириш даражасини янада ошириш асосида, биринчи галда меҳнатни механизациялаштириш ва йигма конструкцияларни татбиқ ҳам кенг равишда қўлланиш йўли билангина бу вазифани бажариш мумкин.

Беш йилликнинг қолган уч йили ичида биз юк ортиш-юк бўшатиш, бетон ва қоришма тайёрлаш сингари ишларни тўла равишда механизациялаштиришимиз лозим. Пардозлаш ишларини механизациялаш даражасини кескин равишда ошириш керак. Каркас-панел конструкцияларни жорий қилиш, уйсозлик комбинатларининг қувватларидан яхшироқ фойдаланиш, деворлари гиштдан ясалган биноларни қуришда йигма конструкцияларни кўпроқ қўлланиш йўли билан йигма материаллардан ва тўла йигма материаллардан иморатлар қуришни ҳам ҳар томонлама кўпайтириш зарур. Барча инженер ва техникларнинг, бинокорлар ва лойиҳачиларнинг куч ва ғайратини мана шу вазифаларни ҳал этишга қаратиш керак.

Лекин йигма усулни бундай конструкциялар билан кенг жорий қилиш монолит конструкцияларни қўлланишни мустасно қилмайди. Зилзила бўлиб турадиган зона ва хилма-хил архитектура формаларини вужудга келтириш зарур бўлиб қолганида бундай конструкцияларга тўсқинлик қилиб бўлмайди, албатта.

Бинокорларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун кичик механизацияни жорий қилиш, электрлаштирилган қўл асбобларини ишлатиш катта аҳамиятга эга.

Қурилиш ишларининг ҳажми тобора кўпайиб бораётганлиги қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни талаб қилади. 1971 йилга қадар биз йигма темир-бетон заводларининг қувватини 3,2 миллион кубометрга, норуда материаллар тайёрлаб берувчи корхоналарнинг қувватини 15 миллион кубометрга етказишимиз, деворбоп материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватини кўпайтириб, йилига 2,7 миллиард шартли донагача гишт ишлаб чиқарадиган қилишимиз лозим.

Шу билан бир вақтда қурилиш материалларининг сифатини ошириш устида жиддий ишлаш керак. Москва, Ленинград ва Украина бинокорлари пардозловчи гиштни Тошкентда муваффақиятли равишда ишлармоқдалар. Бироқ биз бундай гиштни ишлаб чиқараётганимиз йўқ. Мармар ва гранит қазиб чиқарадиган ва ишлаб берадиган корхоналар қуриш ишлари бизда секин бормоқда. Бу аҳволни қатъиян тузатишимиз керак.

Республикада мармар, гранит, рангдор тошлар чиқадиган конлар кўп. Биз қурилишда мана шулардан ҳам кенг фойдаланишимиз мумкин ва лозим.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги қурилишларни шу материаллар билан етарли миқдорда таъминлаш лозим. Шу мақсадни кўзлаб, мармар, граниг ва рангдор тошларни ишлаш технологиясини такомиллаштирмоқ учун махсус лаборатория ташкил этиш, шулардан тайёрланаётган материалларнинг каталогини нашр этиш керак.

Илмий тадқиқот ташкилотларимиз қурилишни индустриалаштиришда катта роль ўйнашлари керак. Ўзбекистон ССРда қурилиш соҳасига ҳар йил катта-катта маблағлар ажратилади. Илмий тадқиқот ташкилотлари, қурилиш министриклари ва идоралари, Госстрой ва республика Архитекторлар союзи тематикани тўғри белгилаб олишлари ва энг муҳими, илмий ишларнинг натижаларини жорий қилишни бутун чоралар билан тезлатишлари лозим.

Қурилишда ихтисослаштирилган кўпгина ташкилотлар қатнашаётган ҳозирги шароитда қурилиш раҳбарларининг асосий вазифаси шуки, улар ишни тўғри ташкил этишлари, техника билан одамлар меҳнатини бирлаштириб битта ишлаб чиқариш процессига айлантиришлари лозим.

Қурилишни индустриалаштириш даражасини янада ошириш, республикадаги барча партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг ишида асосий вазифа бўлиб қолиши лозим.

V. ЛОЙИҲАЛАШ ИШЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК

Капитал қурилишни ўстириш суръатлари, бу қурилишни индустриалаштириш даражаси, техника тараққиётини жадаллаштириш лойиҳалаш ишининг ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

КПСС XXIII съезди партия, хўжалик ташкилотлари олдига лойиҳа-смета ишини бутун чоралар билан яхшилаш, қурилиш ва реконструкция қилиш лойиҳалари тузилаётганида фан ва техника муваффақиятларини ҳисобга олиш, капитал маблағлардан самарали фойдаланиш зарурлигини назарда тутиш вазифасини қўйди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, лойиҳачиларимиз ўз ишларида яхши натижаларга эришдилар. Кейинги йилларда кўпгина катта корхоналар ва иншоотлар қурдик. Булар республикадаги лойиҳаловчи ташкилотларнинг етуклигини, лойиҳалашнинг катта вазифаларини ҳал қилишга қодир эканликларини кўрсатиб турибди. Бунга, жумладан, «Узгипротяжпром» институтининг лойиҳаси асосида қурилган Чирчиқ трансформатор заводи, «Узгоспроект» лойиҳаси асосида қурилган Санъат саройи, «Узгипроводхоз» лойиҳаси асосида қурилган Аму-Бухоро канали, «Ташгипрогор» лойиҳаси асосида қурилган «Россия» меҳмонхонаси, «Средазгипроводхлопок» лойиҳаси асосида қурилган Мирзачўл совхозлари ва бошқалар мисол бўла олади.

Зилзиладан шикастланган Тошкент шаҳри учун лойиҳалар тузиш чоғида лойиҳачиларимизнинг имкониятлари айниқса яққол кўринди. Жуда кўп биноларни ва иншоотларни қайта тиклаш тўғрисидаги хулосалар ва лойиҳаларни қисқа муддатлар ичида тузиб бериш керак эди. Шу билан бир вақтда янги қурилишларнинг ҳужжатларини зилзилага бардош бериш даражасини оширишни ҳисобга олиб қайтадан ишлаб чиқиш ҳам талаб қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли республикамизнинг лойиҳалаш институтлари бу вазифанинг уддасидан чиқдилар. Москва, Ленинград, Киевнинг, барча қардош республикаларнинг лойиҳаловчи ташкилотлари, лойиҳаловчи инженерлари ва техниклари бу ишда бизга бебаҳо ёрдам кўрсатдилар.

Кейинги йилларда бизнинг республикамизда лойиҳалаш базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, саноат корхоналарини, гидротехника иншоотларини, уй-жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг техника даражасини ошириш, лойиҳалаш сифатини яхшилаш ва лойиҳаларни тузиб чиқиш муддатларини қисқартириш борасида катта ишлар қилинди.

Лойиҳаловчи ташкилотлар илғор технологияни, янги прогрессив конструкциялар ва материаллари дадил жорий қиладиган бўлиб қолдилар, ўзлари тузаётган лойиҳаларни иқтисодий асослашни яхшиладилар.

Конструкциялари ҳисоблаб бераётган электрон-ҳисоблаш машиналари, копия кўпайтирадиган контакт установкалар ва бошқа техника лойиҳалаш ишларида жорий қилинганлиги лойиҳаловчилар бераётган маҳсулотни 2 йил ичида қарийб 10 процент, лойиҳалаш ишларининг ҳажмини эса 1,3 баравар кўпайтириш имкониятини берди.

Шу муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, лойиҳалаш ишида рўй бераётган ва капитал қурилиш суръатларига тўсқинлик қилаётган камчиликларни айтмаслик мумкин эмас.

Аввало, лойиҳаларни ишлаб чиқиш муддатларини олайлик. Маълумки, келаси йилги қурилиш учун керакли лойиҳа-смета ҳужжатларининг ҳаммаси бинокорлар қўлига шу йилнинг 1 сентябрига қадар топширилиши керак. Бироқ, бу муҳим талаб кўпинча бажарилмай қолаётир.

Хўш, бунинг қандай сабаблари бор?

Сабабларнинг бири шуки, баъзи лойиҳалаш институтларида лойиҳаловчиларнинг самарали ишлаши учун ҳанузгача ҳам нормал шароит яратиб берилмаган, меҳнатни илмий уюштириш тизук жорий қилинмаётир. Институтларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари эса, бу тўғрида лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилмаётирлар.

Кўпгина лойиҳаловчи муассасаларда ёрдамчи бўлимларни мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш масалаларига етарли аҳамият берилмаётир. Шу сабабли лойиҳаловчиларнинг иш вақти ҳали ҳам кўпинча бекорга ўтмоқда.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари бинокорлар қўлига ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги учун айбнинг каттагина қисми заказчилар—министрликлар, идоралар ва бошқа хўжалик органлари зиммасига ҳам тушади

Айрим министрликлар ва идоралар ўзларига бериладиган капитал маблағларнинг ҳажми билан ҳисоблашмай, бир неча йил кейин қилинадиган ишларнинг лойиҳаларини тузиш тўғрисида заказ беришга интилмоқдаларки, бу зарарли одат ҳам анча зиён етказмоқда.

Равшандирки, мана шундай лойиҳалар устида ишлаш институтларнинг кучини банд қилиб қўяди, олдиндан тайёрлаб қўйилаётган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга қаратиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланмаган объектларни капитал қурилиш планларига зўрма-зўраки киритишга асло йўл қўймасликлари зарур. Бунинг учун партия ва совет органлари, халқ контроли комитетлари ҳам қурашмоқлари лозим.

У ёки бу объектни қуришнинг мақсадга мувофиқ эканлигини техникавий-иқтисодий жиҳатдан пухта асослаб бериш, лойиҳаларни чуқур экспертизадан ўтказиш капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бу талаб мутлақо бажарилиши лозим бўлган қонун бўлиб қолиши керак.

Аммо баъзи лойиҳаловчи ташкилотлар техникавий ва архитектура даражаси past лойиҳалар чиқаришни ҳали ҳам давом эттирмоқдалар. Бу лойиҳаларда фан ва техника муваффақиятлари кўпинча ҳисобга олинмаётир. Баъзан қурилишни арзонлаштирамиз деган тўғри ниёт остида шаҳар ва қишлоқларни қуришнинг замонавий талабларига жавоб бермайдиган лойиҳалар тузилмоқда.

Айрим лойиҳаларда эскириб қолган ёки синовдан ўтмаган технология прогрессларини ва ускуналарини қўлланиш, ишлаб чиқаришда ўзлаштирилмаган ёки ишлаб чиқаришдан олиб ташланган қурилиш конструкцияларини қўлланиш кўзда тутилади. Натижада қурилиш даврининг ўзида мана шундай ҳужжатларни қайтадан ишлашга кўп вақт ва маблағ сарф бўлади, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштириш муддатлари кечикиб кетади.

Типовой лойиҳалар тузишни ташкил этишда ҳам камчиликлар бор. Кўпгина типовой лойиҳаларнинг, айниқса уй-жой қурилишидаги бундай лойиҳаларнинг сифати past. Шу лойиҳалар асосида қурилган иншоотлар бир тусда бўлиб, бу иншоотларнинг бирор архитектура қиёфаси йўқ. Бунга худди эгизак каби бир-бирига ўхшатиб қурилган микрорайонлар ва уй-жой кварталлари мисол бўла олади.

Лойиҳаловчи ташкилотлар лойиҳаларни тайёрлаётган вақтларида Ватанимиз фани ва техникасининг муваффақиятларини, ишлаб чиқариш технологияси, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида чет эллардаги ижобий тажрибани тўлиқроқ ҳисобга олишлари лозим.

Москва, Ленинград, Киев, Боку, Тбилиси, Ереван ва бошқа шаҳарларда жаҳон архитектурасининг энг гўзал намуналари бўлиб қолган иншоотлар оз эмас. Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Регистон ҳамда Самарқанддаги, Бухородаги, Хивадаги қадимий меъморчиликнинг бошқа ёдгорликлари ўзининг ҳашамати, гўзаллиги ва пишиқлиги билан ҳанузгача ҳам одамларни ҳайратда қолдирмоқда. Бу иншоотлар асрлар бўйи қад кўтариб тураверади.

Халқимиз ўзининг архитектура санъатини минг йиллар давомида сайқал бериб камолотга етказди. Ўтмишнинг муваффақиятларини эътиборсиз қолдиришимиз асло мумкин эмас. Халқ яратган меъморчиликнинг энг яхши асарлари бизга учун ўрнак бўлиши, ҳозирги ва келажак бўғинларнинг ифтихори бўлиши лозим. Биз нимаики қураётган бўлсак, коммунизмда ҳам яшайдиган одамларнинг бахтсаодати учун қурмоқдамиз. Биз қурган иншоотларнинг ҳаммаси монументал, мустаҳкам, гўзал бўлиши лозим. Буни ҳозирдан бошлаб ўйлаш керак. Қурилишни арзонлаштиришга интилиш керак, албатта. Лекин бу нарса сифатга заарар етказмайдиган бўлсин.

Қурилишнинг смета қийматини белгилашда керакли тартиб ўрнатилиши зарур. Сметаларда баъзан қўпол хатоларга ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ҳисобга олинмаган ҳажмдаги ишлар қурилиш вақтида билиниб қолади, натижада ускуналар ва объектнинг ҳақиқий қиймати сметада кўрсатилганидан ошиқ бўлиб чиқади.

Министрликлар ва бошқармалар смета қиймати нотўғри белгиланган ҳар бир лойиҳани кўриб чиқиб, бунга бевосита йўл қўйган кишиларга қаттиқ таъсир чоралари кўришлари, лойиҳаловчи ташкилотлардаги ва экспертиза органларидаги ходимларни давлат смета интизомига оғишмай риоя қилиш учун шахсан жавобгар эканликларини белгилаб қўйишлари лозим.

Капитал қурилишнинг ҳажми кенгайиб бораётганлиги лойиҳаловчи ташкилотларимизнинг қувватларини муттасил ошириб боришни талаб қилади. Шу муносабат билан «Узгипрозем», «Узгипросельстрой», «Ташгипрогор» ва бошқа институтларнинг ишлаб чиқариш биноларини қуриш узоққа чўзилиб кетганлигини айтмасдан ўтиб бўлмайди. «Главташкентстрой» шу объектларни қуриб битказиши лозим бўлган пайт келди.

Яна бир масалани айтиб ўтмоқчиман. лойиҳалаш институтлари республика ва иттифоқ миқёсидаги турли идораларнинг қарамоғига топшириб қўйилган. Ҳар қайси институтнинг ўз плани, ўз вазифаси бор. Бироқ, шу институтларнинг иш тажрибаларини айирбошлаш, уларнинг ишига меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш масалалари билан муттасил шуғулланадиган яхлит бир орган йўқ. Бундай шароитда республика Госстройи лойиҳаловчи ташкилотларининг ишига ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туриши лозим.

Лойиҳалаш ишларининг ҳажми тез кўпайиб бораётганлиги сабабли Тошкент политехника ва темир йўл транспорти инженерлари институтларида, Са марқанд архитектура-қурилиш институтида лойиҳаловчи ташкилотлар учун кўпроқ кадр тайёрлашимиз лозим.

Беш йилликда лойиҳаловчи ташкилотлар олдида катта вазифалар турибди. Саноат корхоналарининг иши каби, уларнинг иши ҳам амалий хўжалик ҳисоби негизига қурилиши, одамларнинг хўжалик ишларини бажаришидаги кенг мустақиллигига ва моддий манфаатдорлигига асосланиши лозим. Лойиҳаловчи институтларнинг раҳбарлари ва бошлағлари партия ташкилотлари мана шу асосда иш олиб боришлари керак.

VI. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Капитал қурилиш соҳасида республика олдида турган катта ва мураккаб вазифалар халқ хўжалигини юксалтириш учун курашнинг мана шу муҳим участкасига партия раҳбарлигини янада кучайтириш қатъий талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, капитал қурилишга раҳбарлик даражасини ошириш борасида кейинги йилларда бир қанча чоралар кўрди. 9 область партия комитетида ва Тошкент шаҳар партия комитетида қурилиш бўлимлари тузилди. 32 та қурилиш трести ва бошқаламаларида партия комитетларининг бошқа ишлардан озод қилиб қўйилган секретарлари лавозими тайинлаб қўйилди.

Қурилиш ташкилотларида бошланғич партия ташкилотлари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқига эга бўлган цех ташкилотлари кўпайди. Ҳозир булар 1963 йилдагига қараганда икки баравар кўпайган.

Қурилишга давлат раҳбарлигини такомиллаштириш чоралари ҳам амалга оширилди. Республикамизда Қурилиш министрлиги билан бир қаторда Қишлоқ қурилиши министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги тузилди. Бир қанча янги умум қурилиш трестлари ва бошқармалари ҳамда ихтисослаштирилган трестлар ва бошқармалар ташкил қилинди. Сув хўжалик қурилиши ташкилотларининг ва колхозлараро қурилиш ташкилотларининг структураси яхшиланди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ижобий натижалар берди. Энди область, шаҳар ва район партия комитетлари қурилишдаги ишларнинг аҳволини чуқурроқ ва ишнинг кўзини билиб анализ қилмоқдалар, камчиликларни йўқотиш, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишини яхшилаш йўлида амалий чоралар кўрмоқдалар.

Қурилишдаги бошланғич партия ташкилотларининг ролини ва жанговарлик қобилиятини ошириш учун бир талай ишлар қилдик. Бу бошланғич ташкилотларнинг кўплари капитал маблағлардан рационал фойдаланиш, қувватларни ўз вақтида ишга тушириш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқдалар.

Чунончи, «Главташкентстрой» 3-трестининг партия комитети (секретари ўртоқ Н. М. Элконин) қурилиш майдонларида коммунистларнинг авангардлик ролини ўйнашларига зўр бериб ҳаракат қилмоқда, қурилишнинг ҳар бир участкасидаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб билиб олмоқда. У, активларнинг, шу жумладан субпудратчи ташкилотлардан чақирилган активларнинг кенг иштироки билан бевосита объектларнинг ўзига бориб партия комитети мажлисларини ўтказишни одат қилмоқда.

«Зангстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси партия ташкилотининг (секретари ўртоқ Р. Ҳакимов) ишида ибратли тажрибалар кўп. Бу партия ташкилоти партия кучларини жой-жойига тўғри жойлаштириб фойдаланишни таъминлади, коммунистларнинг, хўжалик раҳбарларининг диққат ва эътиборини ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишга, иқтисод қилиш ва тежамкорлик масалаларига, илғорлар тажрибасини ёйишга, бинокорларнинг малакаларини ошириш ишларини ташкил этишларини мустаҳкамлашга қаратмоқда. «Зангстрой» коллективи йиллик планни декабрь ойининг бошида бажарганлиги тасодифий эмас.

Аммо, баъзи область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари қурилишга юзаки раҳбарлик қилмоқдалар, баъзан улар камчиликларни тугатишда партиявий принципиаллик кўрсатиб, сабот билан иш олиб бормаётирлар, камчиликларни қайд қилиш билангина чекланиб қолмоқдалар, қолоқ участкаларга етарли ёрдам бермаётирлар, бинокорларга тузук ғамхўрлик қилмаётирлар.

Секретарь—партия ташкилотининг асосий раҳбаридир. Биз капитал қурилишга партиявий раҳбарликни кучайтиришимиз зарур. Қурилишдаги бошланғич партия ташкилотларининг ролини ва жанговарлик қобилиятини кўтариш айниқса муҳим. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, ҳар бир партия ташкилоти жўшқин ҳаёт кечирадиган бўлсин. Партия йиғилишлари ва бюро мажлислари мунтазам равишда ўтказилиб турадиган бўлсин, хилма-хил сиёсий-тарбиявий ишлар кун сайин олиб бориладиган бўлсин. Бунинг учун бутун чоралар билан бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг составини яхшилаш, уларни планли равишда ўқитишни йўлга қўйиш бу кадрларнинг барқарорлигини таъминлаш ва айни вақтда коммунистларнинг ишончини оқламаётган кишилардан тезроқ халос бўлиш керак.

Партия ташкилотларининг энг муҳим бурчи шуки, улар планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилиш, қурилишни индустриалаштириш, машиналар, механизмлар, пул маблағлари ва моддий ресурслардан рационал фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш қийматини пасайтириш ва сифатини яхшилаш, коммунистларнинг ишлаб чиқаришда авангардлик ролини таъминлаш борасида чуқур ва доимий иш олиб боришлари керак.

Ҳар қандай иш каби капитал қурилишнинг ҳам муваффақиятини одамлар, кадрлар ҳал қилади. Қурилиш ташкилотларининг кадрларини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилмоқдамиз. Республика Қурилиш министрлиги системасида очилган ҳар хил курсларда бинокор кадрлар тайёрланмоқда, мураккаб бинокорлик касбларини ўргатиш ташкил қилинган. Ҳунар-техника ўқув юртлари катта иш олиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина бу ўқув юртлари 10 мингдан кўпроқ ёш мутахассис тайёрлаб берди. Кўпгина қурилиш трестлари ва колхозлараро қурилиш ташкилотлари оммавий касб эгаси бўлган кадрлар тайёрлашга диққат ва эътиборни кучайтирдилар.

Бироқ, бинокор ишчиларнинг малакаси ва барқарор кадрларини етарли тайёрлаш проблемаси ҳанузгача ҳал этилгани йўқ. Қурилишларимизда одамлар етишмаяпти Аммо, қурилиш ташкилотларининг айрим раҳбарлари кадрлар тайёрлаш ва ишчиларнинг малакасини ошириш соҳасида жуда кам иш қилаётирлар.

Биз бу ишни йўлга қўйиб олишимиз керак. Қурилиш ташкилотларини малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси барча партия, совет ва хўжалик органлари, министрликлар ва идораларнинг ишидир.

Область шаҳар ва район партия комитетлари қурилиш ташкилотларининг раҳбар кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашлари лозим. Қурилиш ишлаб чиқаришнинг ҳамма жараёнларини яхши биладиган, техникадан яхши хабардор, сиёсий жиҳатдан етук, моҳир ташкилотчи ва оммани тарбиялашни яхши биладиган, топшириган иш учун юксак масъулиятни ҳис қиладиган одамларни мана шу ташкилотларга бош қилиб қўйиш керак.

Шу билан бирга, ёш бинокорларга кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарур. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай қилинаётгани йўқ. Баъзан ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб чиққан ёшлар қурилишга борганларида жонкуяр. меҳрибон раҳбарларга дуч келмайдилар. Уларнинг юксак даражада унумли меҳнат қилишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун нормал шароит яратиб берилмаётир.

Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бундай ғайри нормал ҳолларга қарши кескин курашишлари керак. Қурилиш ташкилотларини малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси барча партия, совет ва хўжалик органлари, министрликлар ва идораларнинг ишидир.

Область шаҳар ва район партия комитетлари қурилиш ташкилотларининг раҳбар кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашлари лозим. Қурилиш ишлаб чиқаришнинг ҳамма жараёнларини яхши биладиган, техникадан яхши хабардор, сиёсий жиҳатдан етук, моҳир ташкилотчи ва оммани тарбиялашни яхши биладиган, топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис қиладиган одамларни мана шу ташкилотларга бош қилиб қўйиш керак.

Шу билан бирга, ёш бинокорларга кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарур. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай қилинаётгани йўқ. Баъзан ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб чиққан ёшлар қурилишга борганларида жонкуяр. меҳрибон раҳбарларга дуч келмайдилар. Уларнинг юксак даражада унумли меҳнат қилишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун нормал шароит яратиб берилмаётир.

Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари раҳбарларининг бинокорларни ишга жойлаш ва ишлаб чиқаришда сақланиб қолиши учун масъулиятини ошириш керак.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг жонажон иши шуки, улар бинокорларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Кейинги йилларда бу соҳада республикамизда кўпгина иш қилинди. Бинокорларнинг уй-жой фонди анча кўпайди, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланди, қурилиш ишларини механизациялаш даражаси кўтарилди. Шу билан бирга, айтиб ўтиш керакки, бинокорлар учун уй-жой биноларини қуришга ажратилган маблағлардан тўла равишда фойдаланилаётгани йўқ.

Баъзи жойларда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бинокорларни уй-жой билан таъминлашга нотўғри муносабатда бўлмоқдалар. Бинокорларга квартиралар беришни энг охирги навбатга қўйиш ҳоллари ҳам бор. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Чинакам, кадр бинокорлар энг яхши квартиралари биринчи навбатда олишлари лозим.

Етоқхоналарда яшаб турган бинокор ишчиларга ҳам тузук ғамхўрлик қилинмаётир. Етоқхоналарда керакли буюмлар кўпинча етишмайди, улар тузук безатилмаган ва тартиб йўқ. Қурилиш индустриясининг кўпгина корхоналарида ва қурилишларда савдо ҳали ҳам ёмон ташкил қилинган, умумий овқатланиш кўнгилдагидек йўлга қўйилгани йўқ.

Партия, совет ва касаба союз органлари, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари бинокорларнинг юксак даражада унумли меҳнат қилишлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириш воситаларини вужудга келтириш тўғрисида, уларга коммунал-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишлари лозим. Савдо министрлиги, «Узбекбирлашув» савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини кўпайтириш ва кенгайтириш чораларини кўришлари, катта қурилиш массивларида ташиб келиб савдо қилишни ташкил этишлари мутлақо зарур.

Бинокорлар орасида агитация-пропаганда ишларини, оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини яхшилаш керак. Бу ишда жиддий камчиликлар оз эмас.

Бинокорларнинг баъзи коллективларида камдан-кам ҳоллардагина лекциялар ўқилади, кинофильмлар мунтазам равишда кўрсатилмайди. Бир қанча катта қурилишларда кўрсатмали агитация яхши ташкил этилган эмас. Бундай қурилишларга концерт бригадалари ахён-ахёндагина боради.

Бу камчиликларни тузатишимиз керак. Бинокорларни тарбиялашмоқ учун идеология таъсирини ўтказиш воситалари ва формаларининг ҳаммасидан — лекция пропагандаси, оммавий-сиёсий агитациядан, матбуот, радио, телевидение, кино, бадиий ҳаваскорлик, адабиёт ва санъат воситаларидан тўла равишда фойдаланишимиз лозим.

Партия комитетларининг ходимлари бинокорларнинг коллективларига тез-тез бориб туришлари, уларга лекциялар ва докладлар қилишлари, одамлар билан самимий суҳбатлашишлари, улар билан маслаҳатлашишлари, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитидан хабардор бўлиб туришлари, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондиришга ёрдам беришлари мутлақо зарур. Бинокорларнинг қаҳрамонона меҳнати газеталар ва журналларнинг саҳифаларида, радио ва телевидение эшиттиришларида бундан буён ҳам кенг ёритилиб туриши лозим.

Бинокорларнинг меҳнати энг қийин эканлигини ва уларнинг касби энг оғирлиги ва ҳатарлиги бир минут ҳам унутмаслик керак, ўртоқлар. Бинокорлар битмас-туганмас халқ бойликларининг ижодкорларидир, одамлар бахтининг бунёдкорларидирлар, одамларнинг кайфи чоғ бўлиши, хурсанд бўлиб, бемалол ҳаёт кечириши уларнинг меҳнатига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бинокорлар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва маданиятни юксалтириш негизини қурмоқдалар. Улар фабрика-завод корпусларини, катта-катта электр станцияларни, гидротехника иншоотларини ва кўприкларни бино қилмоқдалар, темир йўл, автомобиль магистралларини, газ қувурларини, сув йўллари ва каналларни қурмоқдалар. Улар уй-жой биноларини ва мактабларни, касалхоналар ва болалар муассасаларини, олий ўқув юртлари ва маданият саройларини, театрлар ва магазинларни, илмий-тадқиқот институтларининг биноларини ва спорт иншоотларини қурмоқдалар. Улар шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиб, уларни обод қилмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси халқ бахт-саодати учун қилинмоқда.

Бинокорлар ўзларининг юксак вазифаларини ниҳоят даражада қийин шароитларда бажармоқдалар. Халқ олдидаги бурч уларни тоғ баланд тоғ довошларига, тоғ чўл-биёбонларга чақирмоқда. Улар қаҳратон қишда ҳам ва ёзнинг 45 градусли жазирама иссиғида ҳам, ботқоқ тўқайларда ва оёқ куйдирадиган қум чўлларида ҳам ёмғир демай, чанг демай очиқ ҳавода меҳнат қиладилар. Шу қадар зўр ишларни бажараётган бўлишларига қарамай, улар ҳамиша ҳам яхши ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлолмайдилар. Улар баъзан палаткаларда ва муваққат баракларда яшашга мажбур бўладилар.

Шу сабабли бинокорларга алоҳида эътибор бериш, чинакам оталарча ғамхўрлик қилиш керак. Булар мана шунга муносиб бўлганликлари учун шундай шароит яратиб бериш керакки, токи улар шинам уйларда яшайдиган бўлсинлар, самарали ишлаб, маданий ҳордиқ чиқарадиган бўлсинлар.

Бинокорларнинг социалистик мусобақасига раҳбарликни яхшилаш жуда муҳим. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари қурилишларда коммунистик меҳнат ҳаракати қатнашчиларининг сафлари кун сайин кўпайишига, бинокорларнинг ишлаб чиқариш планларини муддатидан олдин бажариш, капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш ишларини аъло сифатли қилиб бажариш учун социалистик мусобақага актив қўшилишларига эришишлари ва бунинг учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

* * *

Республикада капитал қурилиш янги, тағин ҳам баланд босқичга кўтарилмоқда. Яқин йиллар ичида биз жуда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини бажаришимиз керак. Бу эса, барча партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, кўп сонли бинокорлар армиясининг катта куч ва ғайрат билан ишлашини талаб қилади.

Республика партия ташкилотининг раҳбарлигида қаҳрамон бинокорларимиз олдиларида турган ҳамма вазифаларни муваффақиятли бажаришларига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Улар улуғ йўлбошчи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга, беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришга ва коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга ўзларининг салмоқдор ҳиссаларини қўшишга жон

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ

ҚАРДОШ республикалардан келган бинокорлар пойтахтимизда кўплаб турар-жой биноларини қуриб беришди. Чилонзорда бутун бир ажойиб дўстлик шаҳарчаси қад кўтарди. Бу шаҳарчани бунёд этишда Руставели ватани вакилларининг ҳам хизмати бор. Грузиялик бинокорлар Чилонзорнинг 24-кварталида 240 дан ортиқ квартирага эга бўлган беш қаватли биноларни тошкентликларга армуғон этишди. Сиз суратда кўриб турган ана шу уйлар грузин қурувчилари томонидан бунёд этилган.

Р. ШАМСУДДИНОВ фотоси, ЎзТАГ.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ва область сиёсий маориф уйи партия ўқуви олий босқичи пропагандистларининг КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод курслари бўйича навбатдаги семинар машғулотларини ўтказди.

Семинар қатнашчилари «Миллий масалада марксча-ленинча программа ва унинг СССРда амалга оширилиши», «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва инсоният тараққиёти», «Партия ҳақида марксча-ленинча таълимот ва унинг ҳозирги даврда ривожланиши», «Марксниг «Капитал» асари ва унинг иқтисодий фанларни ривожлантиришдаги аҳамияти», «Социализмнинг капитализм билан ҳозирги даврдаги иқтисодий мусобақаси», «Социализмнинг иқтисодий қонуни ва унинг коммунистик қурилишдаги роли» каби темаларда лекциялар тингладилар.

Лекцияларни профессорлардан фан докторлари М. Ғ. Ваҳобов, К. Е. Житов, В. Я. Непомнин, фан кандидатларидан Г. М. Скопцов, С. Аҳмедов, Исомиддинов, Н. В. Уткелбоев, И. С. Реут ва бошқа ўртоқлар ўқидилар. Шунингдек, пропагандистлар подполковник П. Г. Михнушевнинг «Халқаро аҳвол» темасидаги лекциясини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Семинарда Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ П. В. Костриков сўзлади. Семинар қатнашчилари Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишлаб Оққўрғонда барпо этилган Мангулик қўрғонини бориб зиёрат қилдилар.

ПАССАЖИРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Ҳадемай 1-автобус Навоий театрини Қибрай поселкаси билан боғлайди. Ҳозирча бу автобус «Ташавтомаш» заводидан қайтаяпти. Шу кунларда бу маршрутда 23 та автобус ҳаракатда. Яқин кунлар ичида улар сони яна 6 тага кўпаяди.

Бундан ташқари Революция скверини Чилонзор массиви билан боғловчи 59-автобус маршрути ҳам очилди. Бу маршрутда 16 та автобус пассажирларга хизмат қилаётир. Шунингдек, Калинин кўчасига томон ҳам 78-автобус қўйилди.

Янги йилнинг биринчи квартали давомида Тошкент автопарклари ҳар бири 100 ўринли бўлган 40 та автобус билан бойийди. Бу автобуслар қўшимча сифатида маршрутларга қўйилади. Пассажирларга хизмат кўрсатиш бирмунча яхшиланади.

ДАРДГА ДАВО НОН

Ўтган йили пойтахтимиздаги 3-нон заводи коллективи ёғлиқ сутга қорилган хамирдан нон тайёрлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. У ошқозон касалига даво бўлди. Ҳозирги кунда шундай нонлар ишлаб чиқариш учун қўшимча печлар ҳам ажратилди. Эндиликда завод аҳли 500 килограммгача шифобахш нон ишлаб чиқариб диетик ошхоналарга, касалхоналарга жўнатмоқда.

Бошқа хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам корхона катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳар кунн 100 тоннадан ортиқ нон маҳсулотлари тайёрланиб магазинларга жўнатилаётир. Ишчилар тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор беришяпти. Сўнгги ўн кунликда маҳсулот сифатига таъсир этмаган ҳолда уч тонна ун тежаб қолишди. Бу хомашё ҳисобига қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони туғилди.

ДЎСТЛАР ТОРТИҒИ

Ц-13 микрорайони тобора кенгайиб, кўркамлашиб боряпти. Ниҳоятн бир йил муқаддам бу ерлар бўм-бўш эди. Эгалари Бешқайрагочга кўчиб кетган эски уйлар нураб турарди. Бугун эса ленинградлик қардошларимиз қўли билан бунёд этилган кўпқаватли турар жойларда 300 дан ортиқ оила истиқомат қиляпти.

Куни кеча Ленинград қурувчилари Ц-13 микрорайонида яна 5-та беш қаватли бинони фойдаланишга шай қилдилар. Яна ўнлаб оилалар бу уйларга кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказишади. 54 квартирали иморатнинг остки қаватига озиқ-овқат магазини жойлашади. Бундан ташқари ҳадемай 260 ўринли болалар боғчаси қурилиши ҳам поёнига етади. Мактаб қурилиши эса жадал суръатлар билан бораётир.

КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти правленеси Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан «Ёдгорликларни сақлаш — умумхалқ иши» деган темада эълон қилган конкурси 1968 йил 1 мартгача давом этади. Бу конкурсга рангли ва оддий фотосуратлар ҳамда республикамиз маданият ёдгорликлари ҳақидаги фотоочерклар қабул қилинади.

Конкурс қатнашчилари учун ҳар бири 100 сўмдан иккита биринчи мукофот, ҳар бири 50 сўмдан тўртта иккинчи ҳамда ҳар бири 25 сўмдан тўртта учинчи мукофот таъсис этилган. Бундан ташқари, олтита рағбатлантириш мукофотлари ҳам бор.

Фотосуратларни ёдгорликларни сақлаш жамияти республика правленеисига — Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 30-уйга юбориш лозим.

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ — ЁШЛАРГА МЕРОС

Тошкент шаҳар партия комитети биносида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Р. Боббожонова «Ёшларни партия ва халқимизнинг қаҳрамонлик традициялари руҳида тарбиялаш» ҳақида доклад қилди.

Ватан учун хизмат қилиш ҳар бир совет гражданининг шарафли бурчидир. Совет Қуролли Кучлари ва унинг жангчилари халқимиз яратган энг яхши анъаналарга содиқдирлар.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича шаҳримизнинг Ленин, Фрунзе, Чилонзор, Киров районларида катта ишлар олиб борилмоқда. Фрунзе райони меҳнаткашларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган ватанпарварлиги абадийлаштирилди. Чилонзор районидаги Ғафур Ғулом номли 76-мактаб коллективи «Интернационал дўстлик» клуби ташкил этди. Клуб аъзолари қардош Украина ёшлари билан доимий алоқада бўлиб турадилар. Клубда интернационал дўстлик ва ҳарбий ватанпарварлик темаларида кечалар ўтказиш одат тусига кирган.

Октябрь районидаги Абдулла Набиев номли маҳаллада ҳам ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш намунали йўлга қўйилган. Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24 ҳамда 28, 40-мактабларда амалга оширилаётган тадбирлар ҳам мақтовга лойиқ.

Конференцияда сўзга чиққан Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари О. Соқиев, Киров район партия комитетининг секретари Л. Беққулбекова, Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари К. Каримов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Қори-Ниёзий, Киров районидаги 43-мактаб директори П. Карчева, Октябрь революцияси номли завод партия комитетининг секретари К. Гнездилов ва бошқа ўртоқлар жойларда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Конференцияда ёшларни партия ва халқимизнинг қаҳрамонлик ва ҳарбий ватанпарварлик традициялари руҳида тарбиялашни янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТРЕНЕРЛАР ТАНЛАГАН ТЕРМА КОМАНДА

«Советский спорт» газетаси редакциясининг навбатдаги «Огонёк» кечаси жуда қизиқарли ўтди. Бунда СССР терма командаси старший тренери М. И. Якушин, 1924 йилда терма командада биринчилар қаторида совет спорти шарафини ҳимоя қилган П. Ежов, Франция журналисти Р. Вернь ва олий лига командаларининг старший тренерлари иштирок этишди. Редакция илтимосига биноан, старший тренерлар ўзлари ёқтирган ўйинчилар асосида терма командани тузишди. Бунда тренерлардан В. Бобров, А. Гринин, В. Иванов, Н. Симонян, В. Бубукин, В. Соловьев, А. Алов, А. Норакидзе, И. Бепа, В. Карпов, О. Ошенков, В. Федоров, Е. Горянский, А. Фальян, Б. Аркадьев, А. Алескеровлар иштирок этишди. Э. Стрельцов билан И. Численко ҳаммадан кўп овоз олди. А. Кавазашвилига 8 овоз, Ю. Пшеничниковга 5 овоз, Л. Яшинга 3 овоз берилди.

ФУТБОЛ

Москванинг «Торпедо» футболчилари янги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборишди. Москвадан 167 километр узоқликда жойлашган Калинин шаҳрида янги мавсумнинг биринчи ўйини бўлди. Пойтахт футболчилари маҳаллий «Волга» командаси билан учрашдилар. Ўйин 0:0 ҳисобида тугади.

«Торпедо» эртаси кун тўла составда Сочига жўнаб кетди. Футболчилар бу ердаги машғулотлардан кейин Италия, сўнгра Францияга боришади.

* * *

Европа кубок эгалари кубоги ва Европа чемпионлари кубоги мусобақаларининг ярим финал ўйинларини қаерда ўтказиш ҳозирча аниқлангани йўқ. Лекин финал ўйинларининг муддати ва жойи маълум бўлди. Кубок эгалари кубоги голиби 23 майда Нидерландиянинг Роттердам шаҳрида, Европа чемпионлари кубоги голиби эса 29 майда Лондон шаҳрида аниқланади.

* * *

«Украина ССРда хизмат кўрсатган тренер» С. Шапошников «Черноморец» командасига старший тренер ва команда бошлиғи қилиб тайинланди.

«Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган тренер» В. Королков янги мавсумда Қарағанданинг «Шахтер» командасига старший тренерлик қилади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ УНВОНИ УЧУН

Тбилиси шаҳрида халқаро шашка бўйича гроссмейстерлар И. Куперман ва А. Андрейко ўртасида жаҳон чемпиони унвони учун ўйин бўляпти. Ҳозирча ҳисоб И. Куперман фойдасига — 5,5:4,5.

ҚЎЛГА ЎРГАТИЛГАН БЎРИ

Болалар шўхлиги авжига чиққан. Қийқиришиб кўчани бошларига кўтаришади, гоҳ у ёққа, тоҳ бу ёққа чопишади, дарахтлар орқасига беркиниб пойлашади. Кулранг «ит» болалар орқасидан қолмай югуради, ирғишлайди, «қопмоқчи» бўлиб уларга ташланади...

Бўрининг йиртқич ҳайвон эканини ҳамма яхши билади. Бу чорва қушандаси билан якка-якка учрашиб қолган кишиларнинг ҳаяжонли ҳикояларини тинглагансиз, албатта. Лекин мана бу мактаб болалари билан қувлашмачоқ ўйнаётган «ит»нинг ҳақиқий ваҳший бўри эканини ким ҳам ҳаёлига келтирибди, дейсиз. Билмаганлар уни зотли овчарка ит ҳам дейишлари мумкин. Йўқ, у чиндан ҳам бўри! Факат қўлга ўргатилган. Болалар уни «Диана» деб чақиришади.

Тошкент ҳайвонот боғида бўри, тулки, силовсин кабн йиртқич ҳайвонларни қўлга ўргатиш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Ҳайвонот боғида махсус тўғарак ҳам ташкил этилган. Тўғарак аъзолари асосан ёшлар — Тошкентдаги 43, 145, 146 ва 175-мактабларнинг ўқувчиларидир. Уларнинг ҳаммаси ўз мактаблари ҳузурида ташкил этилган ёш натуралистлар тўғарагининг аъзоси.

Ҳайвонот боғида ёш натуралистларга бўри, тулки, маймун, денгиз чўчқаси ва бошқа ҳайвонларнинг болалари бўлашиб берилган. Улар тўғарак машғулотларида ёш ҳайвончаларни қўлга ўргатиш билан шуғулланадилар. Ўқувчиларнинг кўмаги билан бир қанча йиртқич ҳайвонларнинг болалари қўлга ўргатилди. Ана шулардан бири ўн ойлик «Диана» лақабли бўри ва «Қарсақ» лақабли тулки боласидир.

Йиртқич ҳайвончалар одамга жуда яхши ўрганди. Болалар улар билан ювош ит билан ўйнагандек ўйнашишади, қўлларида даст кўтариб юришади. Копток ташлашса, бўри боласи югуриб бориб уни олиб келади.

Ҳ. НОСИРОВ.

Суратда: ҳайвонот боғи ходими Исроил Ҳайдаров қўлга ўргатилган бўри боласи — «Диана» билан.

М. Нуриддинов фотоси.



ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЗАНЖИБАРДА ТАНТАНАЛАР

ЗАНЖИБАР. Занжибар халқи Занжибарда ўтказилган ва мустамлакачилар зулмини ҳамда эксплуатацияни тугатган революциянинг тўрт йиллигини тантанали вазнятда нишонлади.

Занжибарнинг марказий майдонида халқ — мудофаа кучлари қисмларининг ҳарбий паради бўлди.

Ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намойишидан кейин катта митинг ўтказилди. Бу митингда Занжибар президенти Абейд Каруме ва Танзания президенти Жулиус Ньерере нутқ сўзладилар. (ТАСС).

ТАИЛАНДНИНГ УРУШНИ КУЧАЙТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

НЬЮ-ЙОРК. Таиланд Бош министри Таном Киттикачон Сайгонда меҳнат мамлакатим тахминан 90 кун ичида Жанубий Вьетнамга қўшимча равишда 12.000 пиёда аскар юборади, деди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири шу тўғрида Сайгондан хабар берди.

Таиланд АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушида қатнашаётган «иттифоқчилари»нинг қуролли кучлари сафига жами салкам 150 минг солдат юборди. (ТАСС).

ЖАНУБИЙ ЯМАН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДЕКРЕТИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Адандан хабар беради: Жанубий Яман Халқ Республикаси президенти Кахтан Аш-Шаобининг декретига мувофиқ, Аданда давлат хавфсизлиги олий суди тузилди. Суд бошқа бирон ажнабий давлатнинг манфаатларини кўзда тутиб, республика хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар, саботаж ва контрреволюцион ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқади. Судга ўлим ҳукмлари чиқариш ҳуқуқи берилди.

Жанубий Яман Халқ Республикаси миллий фронти олий қўмондонлигининг аъзоси Абдулла Ал-Хамри янги суднинг ранси қилиб тайинланди.

МАКАРИОСНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НИКОЗИЯ. (ТАСС). Кипр президенти Макариос маҳаллий журналистлар учун ўтказилган матбуот конференциясида қуйидагиларни айтди: янги президент сайловлари 45 кундан сўнг ўтказилади, янги президент номзоди эса 10 кун ичида кўрсатилиши керак.

АФРИКА МИНИСТРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

БАМАҚО. Нигериянинг пойтахти Ниамея шаҳрида Европа умумий бозори билан алоқа боғлаган Африкадаги 18 давлатнинг конференцияси очилди.

Иқтисодий ишлар билан шуғулланувчи министрлар қатнашаётган бу конференция Африка давлатларининг умумий, бозор билан алоқа муддатларини узайтириш масаласини муҳокама қилади. Мавжуд конвенциянинг муддати 1969 йил июнь ойида тамом бўлади. Ана шу конвенцияга мувофиқ, конвенция муддатини узайтириш тўғрисидаги музокаралар шу муддат ўтишидан бир йил олдин олиб борилиши керак.

Ниамея конференцияси муносабати билан, Африкадаги кузатувчилар умумий бозор билан боғланган Африка давлатлари ўртасида умумий бозор системасидаги аҳволларидан норозилик кучайиб бораётганлигига эътиборни жалб қилмоқдалар.

КОНГО (БРАЗЗАВИЛЬ) ҲУКУМАТИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

БРАЗЗАВИЛЬ. Конго Республикаси (Браззавиль) президенти Альфонс Массамба — Деба бош министр лавозимини тутатиш тўғрисида декрет чиқарди ва республиканинг янги ҳукуматини тузди. Бу декретга мувофиқ, президент Массамба—Дебанинг ўзи янги ҳукуматга бош бўлди. Собиқ бош министр Амбруаз Нумазалай янги ҳукумат составига киритилмади.

(ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТ МАССАМБА — ДЕБАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Президент А. Массамба — Деба радио орқали нутқ сўзлаб, Конго — Браззавилнинг янги ҳукумати ўз фаолияти учун халқ олдида, давлат бошлиғи ва миллат мажлиси олдида бевосита жавобгар бўлади, деди.

Миллий революцион ҳаракат партияси деб таъкидлади президент, мамлакатнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиши ва оммани тарбиялаши керак, ҳукумат эса бу сиёсатни амалга ошириши лозим. Партия аввалдагидек бундан буён ҳам мамлакатнинг ҳаётида айниқса мамлакат олдида турган вазифаларни бажариш учун халқ оммасини сафарбар қилишда муҳим роль ўйнаши лозим, деди у.

Массамба — Деба Конго ҳукумати қайта ташкил этилганлигини ва бу чора «вазифаларни яхшироқ тақсимлаш»ни кўзда тутганлигини ҳам айтди.

ХАТАРЛИ ҚАРОР

ПАРИЖ. «Янгилик бир неча сатрдан иборат, холос, аммо бу хабар заминида жуда катта хавф-хатар бор!» Германия Федератив Республикасидаги иккита энг йирик партия ҳали яқиндагина НДП («Национал-демократик партия» деб аталувчи янги нацистлар партияси. — Редакция) учун Бундестагнинг эшикларини очиб қўйиш тўғрисида аҳд бовар қилмандиган қарор қабул қилди». Парижда чиқадиган «Орор» газетаси Бонн коалиция ҳукумати кабинетининг ҳозирги сайлов системасини 1969 йилда ўтказиладиган парламент сайловларида сақлаб қолиш тўғрисидаги қарорини шу тарзда шарҳлайди. Бу сайлов системаси Национал-демократик партиянинг Бундестагга сиқилиб киришин учун кенг имконият очиб беради.

«Орор» газетаси ҳукмрон коалиция арбобларининг Национал-демократик партия тўғдираётган хавфни сўзда бир неча бор таъкидлаб кўрсатганликларини эсга олиб, «Национал-демократик партияни тақиқлаш энг тўғри йўл бўлур эди» деган фикрни изҳор қилади. Аммо, деб ёзади газета, федерал ҳукумат шундай қилишга журъат эта олмаётган бўлса керак.

ЛОНДОН. (ТАСС). «Гардиан» газетасида Норман Кросленднинг «Бонн Национал-демократик партияга йўл очиб бермоқда» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Кросленд бу мақоласида Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг қарорини «келгусида катта хавф тўғдирувчи» қарор деб ҳисоблайди. (ТАСС).

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

ХЕЛЬСИНКИ. «Биз АҚШнинг ҳозирги ташқи сиёсий йўлидан ғоят ташвишланмоқдамиз ва Вьетнамдаги уруш ҳамда бу урушнинг эҳтимол тутилган оқибатлари муносабати билан мамлакатимиз ташвишланаётганлигига эътиборни жалб этишни истаймиз». Финляндиядаги атоқли жамоат арбоблари ва сиёсий арбобларнинг Хельсинкидаги АҚШ элчисига юборилган мактубида шу гаплар айтилган.

ГААГА. Голландия жамоатчилиги петицияга имзолар тўпламоқда. Петицияда бундай дейилади: Нидерландия ҳукумати Вьетнамни бомбардимон қилишни дарҳол ва сўзсиз тўхтатишни АҚШ ҳукуматидан талаб қилмоғи керак. Бу петиция Голландия парламентининг аъзоларига юборилади.

Голландиянинг социолог олимларидан 139 киши Нидерландия ташқи ишлар министри Лунсга очиқ хат билан мурожаат қилди. Улар бу хатда Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилаётганлигига қарши норозилик билдирадилар.

ВАШИНГТОН. Неча юзлаб киши маъмурларнинг Вьетнамдаги раҳбарлик урушга актив қарши чиқаётган беш кишини суд жавобгарлигига тортиш тўғрисидаги қарорига норозилик билдириш юзасидан АҚШ юстиция министрлиги биноси олдида пикет уюштирди. Пикетда қатнашган йигитлардан беш киши Вьетнамдаги урушга қарши норозилик билдириш юзасидан ўзларининг ҳарбий-учет карточкаларини юстиция министрлиги маҳкамасига қайтариб беришга қарор қилганлигини айтди.

Атлантик-Сити шаҳридаги (Нью-Жерси штати) америкалик протестант руҳонийларининг бир гуруҳи АҚШ ҳукуматига мурожаат қилиб, уни Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатишга ва шу билан Вьетнамда тинчлик ўрнатиш учун ёрдам беришга чақирди. Руҳонийлар Америкадаги 10 миллион протестантлар номидан шу мурожаатни йўлладилар.

ТУНИС. Тунисда мамлакатдаги зиёлилар вакилларининг мурожаати тарқатилди. Бу мурожаат америкалик агрессорлар Вьетнамда олиб бораётган ҳалокатли урушга чек қўйилсин ва Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш тўхтатилсин, деб даъват этади.

Тунис зиёлиларининг вакиллари қаҳрамон Вьетнам халқининг мардлигига астойдил қойил қолганликларини ва унинг миллий озодлик йўлидаги ҳаққоний кураши билан тамомила бирдам эканликларини изҳор қиладилар.

ДОРУССАЛОМ. Танзанияда чиқадиган «Нгурумо» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Бутун прогрессив инсоният АҚШ Вьетнамда олиб бораётган разил урушга кўпданоқ лаънат ўқиди. Америка агрессиясн доирасини кенгайтириш ва уруш ҳаракатларини Лаос билан Камбоджа территориясига кўчириш йўлидаги уринишлар халқаро майдонда АҚШни тобора яккалаб қўяди».

«НГУРУМО» газетаси бу йил АҚШда ўтказиладиган президент сайловларини эслатиб, қуйидагиларни ёзади: «президент Жонсон Шарқи-Жанубий Осиёда агрессия доирасининг кенгайтирилиши ўз обрўси ва мавқеини мустаҳкамлайди, деб ўйлайдиган бўлса, тамомила хато қилади». (ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 18.00 — **Телеянгиликлар.** 18.15 **Баланд тепа.** Мультфильм. 18.35 — **Урта Осиё Коммунистин ташкилотларининг тарихи.** 18.55 — **Зося** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телеянгиликлар.** 20.40 — **Адабий меросимиз ойнаинжаҳонда** (Алишер Навоий туғилган кунинг 525 йиллиги олдидан). 21.20 — **Яхоб.** Дала ишлари кундалиги. 21.25 — С. Тургенев. **Баҳор тошқинлари** (телетеатр).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўқувчилар учун **География. Скандинавия мамлакатларида** (Ўзбек тилида). 18.30 — **Эстетика. Киши гўзаллиги нимада?** 19.10 — II курс студентлари учун **Назарий механика.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: **Бадиий гимнастика. Гуллар водийси** (илмий-оммабоп фильмлар).

Рус тилида: 20.20 — **Пятницкий номидаги академик хорининг концерти.** 21.40 — **Шухрат** (телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 16/I да **Князь Игорь,** 17/I да **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/I да **Баҳри тош.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Майдонда москвиликлар»** — Совет цирки усталари. **Радио-механик одам — «Робот»** иштирокида Совет Иттифоқида якка-ю ягона электрон-иллюзион аттракцион. **Билетлар сотилмоқда.**

КИНО

Соявон аравадан тушган одамлар — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Аркадий Райнин — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08035
Индекс — 64697.
№ Б — 1778.